

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухоро давлат университети
ҳузуридаги педагог кадрларни қайта
тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш минтақавий маркази
директори

_____ Б. Р.
Адизов
" _____ " _____ 201
5 йил

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИДАН ИННОВАЦИЯЛАРНИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ТАТБИҚ ЭТИШ”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тузувчи: т.ф.н. К.Ж.Раҳмонов

Бухоро – 2015

МУНДАРИЖА

Оглавление

ИШЧИ ДАСТУР	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ	15
1-Мавзу: “Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этиш” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.	15
2-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва тарих фанига бўлган муносабатнинг давлат сиёсати даражасига чиқиши	18
3-мавзу. Мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамияти ..	26
4-мавзу. Ижтимоий-гуманитар фанларда инновация тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти.....	32
5-мавзу. Фан ва таълим уйғунлиги – замонавий тараққиётнинг муҳим омили	44
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....	61
ГЛОССАРИЙ.....	62
ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР	68

ИШЧИ ДАСТУР

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Мақсад: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб бориш мақсади кўзланиб тузилган дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақиллиги халқимизга нафақат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий соҳада ҳам турли ғоявий тазйиқлардан холи бўлган том маънодаги озодлик ва эркинликни берди. Истиқлолга эришган ўзбек халқи дунёқарашида соғлом тарихий тафаккурни шакллантириш миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини сингдиришнинг муҳим омилидир. Бинобарин, тарих шунчаки воқеалар, саналар тизими эмас, балки ҳар бир халқ маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисмидир. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларидаги миллий ўзликни англашга бўлган қизиқиш ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини яратиш масаласини кун тартибига қўйди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг республика етакчи тарихчи олимлари билан 1998 йил июн ойидаги учрашуви, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 27 июл қарори кабилар муҳим бўлди. И.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари эса тарихий

хотира ва маънавий ҳаёт масалаларини қамраб олган тарих фанининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги ҳақиқий ўрнини кўрсатишга ёрдам берди. Хулоса, модулнинг асосий мақсади олий ўқув юртларида “Ўзбекистон тарихи” йўналишида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг назарий ва касбий тайёргарлигини ошириш, илмий тафаккурини чуқурлаштириш ва сиёсий дунёқарашини кенгайтиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

“Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этиш” модулининг вазифалари сифатида қўйидагиларни қайд этиш мумкин. Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этишнинг амалий аҳамиятини аниқлаштириш ва таҳлил қилиш, тингловчиларда фаннинг долзарб муаммоларини таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва инновацион муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва тарих фанига бўлган муносабатнинг давлат сиёсати даражасига чиқиши, мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши масалалари бўйича мулоҳазалар юритиш модулининг асосий мақсадларидан ҳисобланади.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

- Тингловчилар ушбу модулни ўзлаштириш жараёнида қўйидаги билим ва кўникмаларга эга бўладилар: Замонавий инновацион технологияларнинг турлари, уларнинг таълим-тарбия жараёнида тутган ўрни ва аҳамияти;
- таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган илғор педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари, даражалари, гуруҳлари;
 - Замонавий инновацион технологияларнинг турлари, уларнинг таълим-тарбия жараёнида тутган ўрни ва аҳамиятини тушунтира олади;
 - таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган илғор педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари, даражалари, гуруҳларига қараб танлашни;

Модул бирликлари бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Ўқув юкламаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудиториядаги ўқув юкламаси				Мустақил таълим
			Жами	Жумладан:			
		Назарий		Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1.	“Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этиш” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.	4	4	2	2		
2.	Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва тарих фанига бўлган муносабатнинг давлат сиёсати даражасига чиқиши.	6	4	2	2		2
3.	Ўзбекистон тарихи дарсларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш технологияси	2	2		2		
4.	Мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамияти.	4	4	2	2		
5.	Ўзбекистон тарихи фанида таълим воситаларидан фойдаланишга инновацион ёндашув	2	2		2		
6.	Ижтимоий-гуманитар фанларда инновация тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти.	8	6	2	2		2
7.	Ўзбекистон тарихи дарсларида лойиҳа, ҳамкорликда ўқитиш технологияларни жорий этиш.	2	2		2		
8.	Фан ва таълим уйғунлиги – замонавий тараққиётнинг муҳим омили.	4	4	2	2		
	Жами:	30	26	10	16		4

Маъруза машғулоти мавзуси

1-мавзу: “Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимида татбиқ этиш” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.

Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимида татбиқ этиш фанининг долзарблиги ва амалий аҳамияти. Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимида татбиқ этиш фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.

2-мавзу: Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва тарих фанига бўлган муносабатнинг давлат сиёсати даражасига чиқиши.

Ўзбекистон тарихи фанининг ҳалқ ва мамлакат миқёсида тутган ўрни ва роли. Қадимги давлатчилик, ўрта асрлар, тарихий шахслар фаолиятига оид изланишлар. Масаланинг тарихшунослиги. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва тарих фанига бўлган муносабатнинг давлат сиёсати даражасига чиқиши илғор педагогик ғоялар ва концепциялар асосида билим бериш ва фан соҳасида шаклланиб келаётган янгича қарашлар ва рўй бераётган муаммолар ҳақида фикр юритилади.

3-мавзу: Мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамияти.

Она-юрт тарихи – маънавият асоси. Президент И.Каримов тарих фанининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида.

4-мавзу: Ижтимоий-гуманитар фанларда инновация тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти.

Инновация тушунчасининг мазмун моҳияти. Инновацияларнинг олий таълим тизимида тутган аҳамияти.

5-мавзу: Фан ва таълим уйғунлиги – замонавий тараққиётнинг муҳим омили.

Фан тараққиётига инновацион жараёнларнинг таъсири. Таълимда глобаллашувнинг ўрни ва роли. Мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамияти ҳақида масалалар қайд этилиб, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда уларнинг қўлланилиши ҳақидаги маълумотлар.

Амалий машғулотлар мавзулари

1-машғулот: “Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этиш” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. Ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, мазмуни.

Ўзбекистон тарихини ўқитиш методикаси, педагогик технология ва инновация тушунчаси. Педагогик технологиянинг илмий асослари. Таълимга инновацион ва технологик ёндашувнинг моҳияти ва инновацион технологиялар.

2-машғулот: Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва тарих фанига бўлган муносабатнинг давлат сиёсати даражасига чиқиши.

Ўзбекистон тарихи фанининг ҳалқ ва мамлакат миқёсида тутган ўрни ва роли. Қадимги давлатчилик, ўрта асрларда яшаган тарихий шахслар фаолиятига оид изланишлар.

3-машғулот: Ўзбекистон тарихи дарсларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш технологияси.

Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда қўлланиладиган инновацион технологияларнинг назарий асослари, турлари, уларни қўллаш методлари. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда илғор технологиялардан фойдаланиш.

4-машғулот: Мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамияти.

Президент И.Каримов тарих фанининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида. Илмий тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши

5-машғулот: Ўзбекистон тарихи фанида таълим воситаларидан фойдаланишга инновацион ёндашув.

Таълим воситалари ҳақида тушунча. Таълим воситаларининг классификацияси. Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар, график органайзерлар.

6-машғулот: Ижтимоий-гуманитар фанларда инновация тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти.

Инновацияларнинг олий таълим тизимида тутган аҳамияти. Инновацияларнинг Ўзбекистон тарихи фанини тараққиётига тутган ўрни

7-машғулот: Ўзбекистон тарихи дарсларида лойиҳа, ҳамкорликда ўқитиш технологияларни жорий этиш.

Лойиҳали ўқитишнинг технологик харитаси. Ҳамкорликда ўқитиш технологияларининг мазмун моҳияти. Ўқитувчининг тайёргарлиги.

8-машғулот: Фан ва таълим уйғунлиги – замонавий тараққиётнинг муҳим омили.

Ўзбекистон тарихи фани: замонавийлик ва глобаллашув. Таълим ва тарбия уйғунлигида фаннинг тутган ўрни

АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1761-сон Қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 242-сонли қарори.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Тошкент «Ўзбекистон», 1996.

4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин - Тошкент «Ўзбекистон», 1996.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент «Ўзбекистон», 1998.

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – - Тошкент «Ўзбекистон», 2003.

7. Каримов И.А. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”. - Тошкент «Ўзбекистон», 1996.

8. Каримов И.А. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”. - Тошкент «Ўзбекистон», 1996.

9. Каримов И.А. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”. - Тошкент «Ўзбекистон», 1996.

10. Каримов И.А. “Бунёдкорлик йўлидан”. - Тошкент «Ўзбекистон», 1996.

11. Каримов И.А. “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан”. - Тошкент «Ўзбекистон», 1998.

- 12.Каримов И.А. Жамиятимиз мафкуриси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Тафаккур журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар, 1998 йил, 2-сон.
- 13.Каримов И.А. “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз”. - Тошкент «Ўзбекистон», 1999.
- 14.Каримов И.А. “Миллий ғоя халқ эътиқоди ва буюк келажагига ишончдир” - Тошкент «Ўзбекистон», 2000.
- 15.Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”. - Тошкент «Ўзбекистон», 2000.
- 16.Каримов И.А. “Юксак маънавият- енгилмас куч” - Тошкент “Маънавият”, 2008
- 17.Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. - Тошкент «Ўзбекистон», 2011.
- 18.Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” - Тошкент «Ўзбекистон», 2012.
- 19.Алимова Д.А., Голованов А.А. “Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари”. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000.
- 20.Азизхўжаев А. “Чин ўзбек иши”. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2011.
- 21.Азизхўжаев А. “Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар”. – Тошкент, “Шарқ”, 2001.
- 22.“История мировой экономики. Хозяйственные реформы” 1929-1990 г. (Под ред. А.Н.Марковой). - М., 1995.
- 23.Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. “Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар)”. - Тошкент, “Истеъдод”, 2008.
- 24.Мустақиллик: Изоҳли илмий оммабоп луғат. - Тошкент, Шарқ, 1998.
- 25.“Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари”. -Тошкент, “Шарқ”, 2000.
- 26.Овсянников А. “История двух тысячелетий в датах”. - М., 1996.

- 27.Тюриков В., Шоғуломов Р. “Ўзбекистон Республикаси: 100 саволга 100 жавоб”. -Тошкент, “Ўқитувчи”, 1998
- 28.“Ўзбекистоннинг янги тарихи”. 3 китоб. -Тошкент, Шарқ, 2000.
- 29.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. -Тошкент, Ўзбекистон “Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
- 30.Фарберман Б.Л. “Илғор педагогик технологиялар”. – Т.: “Фан”, 2000.
- 31.Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. “Кейс-стади - иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологияси”, Илмий-услубий қўлланма /“Замонавий таълим технологиялари” туркуми. - Тошкент, ТДИУ, 2009.
- 32.Ғуломов С., Усмонов Қ. “Мустақиллик Ўзбекистонга нима берди”. - Тошкент, ЎАЖБНТ маркази, 2000, 2001.
- 33.Ғуломов С., Салимов О., Усмонов Қ., Ғаниев Д. “Ўзбекистон 11 - йил мустақил тараққиёт йўлида”. Ўқув қўлланма. Тошкент, ЎАЖБНТ маркази, 2002.
- 34.Қуддус Аъзам. “Оғир синовлар даври”. – Тошкент, Алишер Навоий номли “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси” нашриёти, 2004.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби”. - Тошкент «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” - Тошкент «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. “Маънавий юксалиш йўлида” - Тошкент «Ўзбекистон», 1998.
4. Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. // Мулоқот, 1998. 5-сон.
5. Лафасов М.Ф. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқалари”. - Тошкент, 1995.
6. Леонид Левитин. “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида”. -Тошкент, “Ўзбекистон”, 2001.
7. Фузаилова Г., Раҳматуллаева О. Тарих фанини касбий соҳаларга

йўналтириб ўқитиш методикаси. (Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари учун методик қўлланма).-Т.: ТДПУ, 2012. -140 б.

8. Ходиев Б.Ю, Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс-стади - иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологияси: Илмий-услубий қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2009.

9. Камолдинов М., Б.Вахобжонов. Инновацион педагогик технологиялар асослари, саволлар, жавоблар. – Т.: “Талқин”, 2010.

10. Ишмухамедов Р., А.Абдуқодиров. Тарбияда инновацион технологиялар – Т.: 2010.

11. Ҳамдамов Р., Бегимқулов У. Таълимда ахборот технологиялари. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.

12. Ҳамдамов Р., Бегимқулов У. Электрон ўқув услубий мажмуалар. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.

13. Ҳамдамов Р., Бегимқулов У. Электрон университет: электрон вазирлик, масофавий таълим технологиялари. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.

14. Холиқов А. Педагогик маҳорат. – Т.: Тафаккур-бўстони, 2011.

15. Эгамбердиева Н. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадий педагогика имкониятларидан фойдаланиш. – Т.: 2011.

2. Календарь режа

№	Мавзулар	Машғулоти тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1	“Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимиغا татбиқ этиш” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.	маъруза	2	ойнинг тўртинчи ҳафтаси
2	Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва тарих фанига бўлган муносабатнинг давлат сиёсати даражасига чиқиши.	маъруза	2	ойнинг тўртинчи ҳафтаси
3	Мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамияти.	маъруза	2	ойнинг тўртинчи ҳафтаси
4	Ижтимоий-гуманитар фанларда инновация тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти.	маъруза	2	ойнинг тўртинчи ҳафтаси
5	Фан ва таълим уйғунлиги – замонавий тараққиётнинг муҳим омили	маъруза	2	ойнинг бешинчи ҳафтаси
6	“Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимиغا татбиқ этиш” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.	амалий	2	ойнинг бешинчи ҳафтаси
7	Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва тарих фанига бўлган муносабатнинг давлат сиёсати даражасига чиқиши.	амалий	2	ойнинг бешинчи ҳафтаси
8	Ўзбекистон тарихи дарсларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш технологияси	амалий	2	ойнинг олтинчи ҳафтаси
9	Мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамияти.	амалий	2	ойнинг олтинчи ҳафтаси
10	Ўзбекистон тарихи фанида таълим воситаларидан фойдаланишга инновацион ёндашув	амалий	2	ойнинг олтинчи ҳафтаси

11	Ижтимоий-гуманитар фанларда инновация тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти.	амалий	2	ойнинг олтинчи ҳафтаси
12	Ўзбекистон тарихи дарсларига лойиҳа, ҳамкорликда ўқитиш технологияларни жорий этиш.	амалий	2	ойнинг еттинчи ҳафтаси
13	Фан ва таълим уйғунлиги – замонавий тараққиётнинг муҳим омили.	амалий	2	ойнинг еттинчи ҳафтаси
14	Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва тарих фанига бўлган муносабатнинг давлат сиёсати даражасига чиқиши.	амалий	2	ойнинг еттинчи ҳафтаси
15	Ижтимоий-гуманитар фанларда инновация тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти.	амалий	2	ойнинг еттинчи ҳафтаси

“Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этиш” фани бўйича

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-Мавзу: “Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этиш” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.

Режа.

1. Фаннинг долзарблиги ва амалий аҳамияти
2. Фаннинг мақсад ва вазифалари

Таянч иборалар: *педагогнинг касбий компетентлиги, креативлик, масофадан ўқитиш усуллари, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб бориш мақсади кўзланиб тузилган дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим,

кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

“Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимида татбиқ этиш” модули бўйича тузилган мазкур ишчи дастур олий ўқув юртларида “Ўзбекистон тарихи” йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув режаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақиллиги халқимизга нафақат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий соҳада ҳам турли ғоявий тазйиқлардан холи бўлган том маънодаги озодлик ва эркинликни берди. Истиқлолга эришган ўзбек халқи дунёқарашида соғлом тарихий тафаккурни шакллантириш миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини сингдиришнинг муҳим омилидир. Бинобарин, тарих шунчаки воқеалар, саналар тизими эмас, балки ҳар бир халқ маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисмидир. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларидаги миллий ўзликни англашга бўлган қизиқиш ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини яратиш масаласини кун тартибига қўйди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг республика етакчи тарихчи олимлари билан 1998 йил июн ойидаги учрашуви, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 27 июл қарори кабилар муҳим бўлди. И.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари эса тарихий хотира ва маънавий ҳаёт масалаларини қамраб олган тарих фанининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги ҳақиқий ўрнини кўрсатишга ёрдам берди..

“Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимида татбиқ этиш” модулининг вазифалари сифатида қўйидагиларни қайд этиш мумкин. Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимида татбиқ этишнинг амалий аҳамиятини аниқлаштириш ва таҳлил қилиш, тингловчиларда фаннинг долзарб муаммоларини таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва инновацион муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва тарих фанига бўлган муносабатнинг давлат сиёсати даражасига чиқиши, мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши масалалари бўйича мулоҳазалар юритиш модулнинг асосий мақсадларидан ҳисобланади.

Замонавий инновацион технологияларнинг турлари, уларнинг таълим-тарбия жараёнида тутган ўрни ва аҳамияти, таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган илғор педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари, даражалари, гуруҳларини ўрганиш фаннинг мақсади ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Фаннинг долзарблигини қандай изоҳлайсиз?
2. Фаннинг мақсад ва вазифаларини таҳлил қилинг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият- енгилмас куч” - Тошкент “Маънавият”, 2008
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. - Тошкент «Ўзбекистон», 2011.
3. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” - Тошкент «Ўзбекистон», 2012.
4. Алимова Д.А., Голованов А.А. “Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйик оқибатлари”. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000.
5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. “Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар)”. - Тошкент, “Истеъдод”, 2008.
6. Фузаилова Г., Раҳматуллаева О. Тарих фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси. (Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари учун методик қўлланма).-Т.: ТДПУ, 2012. -140 б.

2-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва тарих фанига бўлган муносабатнинг давлат сиёсати даражасига чиқиши

Режа.

1. Тарих фанининг халқ ва мамлакат миқёсида тутган ўрни ва роли.
2. Қадимги давлатчилик, ўрта асрлар, тарихий шахслар фаолиятига оид изланишлар.

Таянч иборалар: *Далил, хронологик сана, тарихий шахс, воқеа-ҳодиса, жараён, тарихий-географик ҳудуд, тарихий атама, иборалар, хулоса, умумлашма, ўқиш, уқиш, долзарблик, мазмун, вазифа*

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон тарихининг баркамол инсонни шакллантиришдаги аҳамиятига юксак баҳо бериб: *«Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди¹»* деган эди. Ўтмишни бугун яратиб бўлмайди ўтмиш бугунни яратади. Тарихдаги ҳар бир ижтимоий юксалиш жамиятнинг ўз меросига, ўз ўтмишига бўлган муносабатини ислоҳ қилишдан бошланган. Ўтмишга бўлган ҳар қандай ижодий мурожаат эса ҳамиша инқилобий ўзгаришларга замин тайёрлаган, ўтмиш ақидалари бугун учун хизмат қилган. Бироқ, ўтмишга мурожаат қилишдан аввал, унга бўлган муносабатни ҳалол, тўғри йўлга солиш керак. Бусиз тарихни холисона яратиш мумкин эмас. Соат милларини орқага бурган билан Ватан тарихини тўхтатиб ёки қайтариб бўлармикан, сарҳади йўқ фалакда учиб юрган буюкларнинг руҳларини ўқ узган билан ўлдириб бўлармикан? «Муҳаббатсиз юракка Ватан сиғмайди. Ҳар бир гўдак, ҳар бир фуқаро ўз даври билан Ватанни ёд этади. Дардсиз юракка Ватан сиғмайди. Ватан дарди, Ватан

¹Каримов Ислон. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли Т.: «Ўзбекистон» 1992, 71 бет

муҳаббати билан яшаган юраккина инсониятни севади, инсоният учун куйинади», дейди шоир Хуршид Даврон.

Улуғ мутафаккирлар ва донолар ҳамиша Ватанни улуғлаб, ардоқлаб келганлар. Ватан ва миллат хоинлари, сотқинларига қарши курашиб ўт очганлар. М. А. Шолохов, «Бизни она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган ватанни севмоқ бу муқаддас бурчдир» деса, бобокалон шоиримиз Алишер Навоий:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбак ҳавас айлама,

дейди.

Юртбошимизнинг **“Тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан ҳолис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади”²** деб айтган фикрлари ниҳоятда катта методологик, контсептуал аҳамиятга эгадир.

Зеро Ватандан ташқарида бахт бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Ўзгалар юрти, бегона диёр ҳеч қачон Ватан бўлолмайди. Ўзга юртда шоҳ бўлгандан ўз юртингда гадо бўлган афзал деган нақл бежиз айтилмаган. Ҳақиқий ватанпарвар Ватаннинг оғир кунда ҳам, йенгил кунда ҳам уни тарк этмайди, у билан бирга бўлади.

Ўзингни ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан.

Барча жиноятлар орасида энг тубани, энг оғири — бу Ватанга, миллатга хиёнат ва сотқинликдир. «Ўз юртидан юз ўгирганлар ўз ватандошларидан ҳам юз ўгирадилар», дейди Я. Галан.

Ватанга, элу - юртга, миллат ва халққа хиёнат ва сотқинлик ҳаётда турлича кўринишларда ва шаклларда намоён бўлиши мумкин. У баъзан очиқ-

² Каримов Ислом. “Юксак манавият – енгилмас куч” Т.: “Маънавият” 2008. 97- бет

ойдин Ватанни, юрт ва миллатни сотиш, хиёнат тарзида, баъзан эса яширинча, зимдан ва хуфия кўринишида содир этилиши ҳам эҳтимол. Ўзининг хатти-ҳаракати билан Ватанга, юртга ва миллат шаънига доғ тушириш ҳам Ватанга, миллатга хиёнатдир. Ватан тақдири, миллат тақдирига алоқадор масала ва муаммоларга эътиборсизлик лоқайдлик бундай масалалардан ўзини четга олишлик кўрқоқлик бетарафлик гўллик ва шу сингари хатти-ҳаракатлар ҳам Ватанга, халқ ва миллатга хиёнат ва сотқинлик ҳисобланади. Бу хусусда ҳаётдан жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, ўтиш босқичи давридаги ҳаётда маълум сабаблар оқибатида мавжуд бўлган вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар олдида эсанкираб, баъзи бир кимсаларнинг собиқ СССР ни қайта тиклашни қўмсаганлари Ўзбекистонга нисбатан, миллий манфаатимизга нисбатан хиёнат ва сотқинликдир. Чунки бундай шахслар билиб-билмай, онгли ёки онгсиз суратда ўз хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини барбод қилишга интилаётган кучлар тегирмонига сув қуядилар, миллий бирлигимизга раҳна соладилар. Ёки Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон тарихининг Россия улуғ салтанатчилиги тарафида туриб сохта бир тарзда ёзилиши, мактабларда жаҳон халқлари тарихи, СССР тарихи байроғи остида амалда Россия тарихининг ўқитилиши ҳамда Ватан тарихини умуман назар-писанд қилинмаганлиги ўз даврида ўзбек халқининг миллий манфаатларига хиёнат эди.

Тарихий ютуғимизнинг маънавий негизини мустаҳкамлаш ўзбек халқи танлаб олган ўзига хос йўлни муваффақиятли амалга оширишнинг ишончли омилларидан бири эканлиги шак-шубҳасиз. Бу муҳим тарихий вазифани-мустақилликнинг маънавий асосларини қарор топтириш ва янада мустаҳкамлашда сиз ёшларни маънавий камолотга етказиш, миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, ҳозирги замон илмий билимлари билан қуроллантириш фавқулодда катта аҳамият касб этади. Шу боис давлатимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бу ҳақда тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги бежиз эмас, албатта. **«...Ноёб инсоний фазилатларни асраб -**

авайлаш ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак. Шунга кўра Ватан тарихи ва маданияти, жуғрофияси ва иқтисодиётини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Боғчалардан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимларида мазкур фан ва билимларни ўқитишга муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоғи лозим».³

Бироқ мустақиллигимизнинг дастлабки пайтларида бу муҳим таълим-тарбиявий вазифани кенг кўламда самарали ҳал қилиш учун зарур бўлган шарт-шароитларимиз бир мунча чекланган эди. Нафақат Ўзбекистоннинг бой тарихини янгича идрок этиш, балки янги миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши ва уни фуқароларимиз, айниқса ёшларимиз онгида қарор топтириш ишига хизмат қилишга давъат этилган Ўзбекистон тарихимизнинг ўзи жиддий янгиланиши лозим эди. Мустақил Ўзбекистоннинг илмий-назарий жиҳатдан пухта асосланган янги тарихига талаб ортиб борди ва бу талаб пайсалга солинмай қондирилиши зарур эъди. Яна бир етилган эҳтиёжнинг тез орада ҳал этилиши тақозо этилди тарих фанимиз янгиланиши ва ривожининг мустаҳкам таянчи сифатида унинг ягона контсептсияси яратилиши керак эди. Бу долзарб муаммонинг ечилиши зарурлиги Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йилнинг июнида бир гуруҳ тарихчи олимлар, ижодий ходимлар ва журналистлар билан бўлган суҳбатида уқтирилган эди. Суҳбатда юртбошимиз бу масалага эътиборни жалб этиб бундай деган эди: **«Назаримда ўзбек халқининг тарихий ўтмишини, ўзлигини, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда**

³ Islom Karimov. Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir. 3-jild. T.: O'zbekiston, 1996.38-bet.

чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндошув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда яхлит контсептсия йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур».¹

Мазкур суҳбатда юртбошимиз бой, бетакрор тарихимизнинг узоқ ва яқин даврлари, босқичлари, долзарб муаммолари ҳақида муҳим методологик аҳамиятга молик ғояларни илгари сурди ва таърифлаб бердики, уларнинг барчаси Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган рисоласида ўз ифодасини топди. Бу асарда тарихшунослигимизнинг аҳволи таҳлил этилган, унинг ривожланиш истиқболлари белгилаб берилган, ёшларни Ватан тарихини чуқур билиш билан қуроллантиришнинг долзарб вазифалари, янгича ёндошув ва методологик тамойиллар муносиб ўрин олган. Ҳозирги кунда Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асари тадқиқотчилар учун ҳам, тарих фанида таълим бераётганлар учун ҳам муҳим дастуриламал ва методологик асос сифатида самарали хизмат қилмоқда.

Ислом Каримов сай-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази»нинг ташкил топиши, Фанлар академияси тарих институтига янги мақом берилиши, 1996 йил 16 декабрда Президентимиз имзолаган «Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш тўғрисида»ги фармони ва унга асосан 3 жилдлик Ўзбекистоннинг янги тарихининг яратилиши ҳам Ўзбекистон тарихини тадқиқ этиш ва ўқитиш ишига таъсир кўрсатди.

Тарих таълими ҳақида, Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишнинг сифатини ошириш тўғрисида сўз кетганда бу соҳага ижобий таъсир

¹ Islom Karimov. Biz kelajagimizni o'z qo'limiz bilan qurmoqdamiz. 7-jild. T.: O'zbekiston, 1999. 134-bet.

кўрсатаётган яна бир омилни ҳам қайд этиб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти ҳузурида Яҳё Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини ўрганиш» Республика илмий семинари фаолият кўрсатиб турибди. Махсус комиссия тайёрлаган ва маъқуллаган «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи контсептсияси» ўзбек халқи давлатчилиги тарихини яратишга муносиб ҳисса қўшди. Бугунги кунда бу муҳим ҳужжат ўзбек халқи ва унинг миллий давлатчилигининг ҳаққоний тарихини яратиш, халқимизда, айниқса ёш авлод онги тарихий хотира ва тафаккурни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Жамиятимиз маънавиятини юксалтиришга устувор йўналиш берилаётганлигининг асл боиси ҳам шундаки, ҳар томонлама тарбия кўрган, маърифатли, маънавияти юксак миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси ғояларини ўз онгида қарор топтирган комил инсонларни вояга етказиб бориш кўп жиҳатдан маънавият соҳасидаги сай-ҳаракатлар тизимида ёшларга, талабаларга тарих таълимини бериш, Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш, бу фандан таълим бериш сифатини давр талаблари даражасига кўтариш алоҳида ўрин тутди. Шу муносабат билан мустақиллик йилларида бу борада қатор муҳим тадбирлар амалга оширилдики, улар ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг бевосита ғамхўрлиги ва эътибори самараси ўлароқ Ўзбекистон тарихини фан сифатида ривожлантириш ва уни ўқитишни замон талаблари асосида ташкил этиш соҳасида эътиборга лойиқ бир қатор тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда. 1996 йилда «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона контсептсияси» яратилди ва тарих таълими жараёнида қўлланила бошланди. Мазкур контсептсия Ўзбекистон тарихини фан сифатида ўқитишни янада яхшилашда муҳим босқич бўлди.

Кейинги йиллар мобайнида Ўзбекистон тарихини ўрганишга нисбатан тобора ўсиб бораётган қизиқиш ва интилишни ҳисобга олиб кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжаллаб Ўзбекистон тарихидан энг зарур билим ва

маълумотлар берувчи бир қатор оммабоп кўлланма ва китоблар яратилдики, булар жумласига “Ўзбекистон тарихи”. Ўқув кўлланма.(Тошкент “Университет”, 1997) «Ўзбекистон тарихи. Қисқасха маълумотнома» (Тошкент.2000) ва «Ўзбекистон тарихи. Маърузалар тўплами». (Тошкент 2000), «Ўзбекистон тарихи». 1-қисм (Тошкент 2002), «Ўзбекистон тарихи. Олий ўқув юртлирининг номутахасис факултетлари талабалари учун дарслик» (Тошкент,«Янги аср авлоди», 2005) кабиларни кўриш мумкин. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, тарихчи олимлар тарихимизнинг ҳали яхши тадқиқ этилмаган саҳифаларини янгича ёндашувлар асосида ёритган тадқиқотлар яратиб, янги тарихимизни ёзишга, Ўзбекистон тарихи фанини олий ўқув юртлирида, айниқса уларнинг тарих факултетларида ўқитишни такомиллаштириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу ўринда муаллифлар жамоалари томонидан яратилган Ўзбекистоннинг янги тарихининг учта китобини,¹ «Ўзбек давлатчилиги тарихи», «Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости», «Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар тарихи», «Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш» каби китобларни кўрсатиб ўтиш зарур.

Ўзбекистон тарихини чуқур билиш ва ўрганишга азму қарор этган Сиз талабаларнинг назаридан бу янги тарихий тадқиқотлар четда қолмас. Зеро, улар бой ўтмишимиз, жўшқин силсилалари тизимидан иборат тарихимизнинг

¹ О'zbekistonning yangi tarixi. Birinchi kitob. Turkiston chor Rossiyasi mustamlakachiligi davrida. “Sharq”nashriyot-matbaa konserni Bosh tahririyati. Toshkent,2000; О'zbekistonning yangi tarixi. Ikkinchi kitob. О'zbekiston mustabid sovetlar hukumronligi davrida. “Sharq”nashriyot-matbaa konserni Bosh tahririyati. Toshkent,2000; О'zbekistonning yangi tarixi. uchinchi kitob. О'zbekiston mustaqillik yillarida. “Sharq”nashriyot-matbaa konserni Bosh tahririyati. Toshkent,2000;

хаққоний илмий манзарасини берувчи билим манбаларидир.

Шу нарса аёнки, халқ таълими тизимимиз, шу жумладан тарих фанидан таълим бериш янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқдаки, бу ҳол Ўзбекистон тарихидан дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни вақти-вақти билан янгилаб, бойитиб ва такомиллаштириб туришни зарур қилиб қўяди. Дарҳақиқат тарих таълими самарадорлигини ошириш манфаатлари, талабаларни тарих илми билан тарбиялаш, улар онгида миллий истиқлол мафкураси ва унинг энг муҳим тамойилни шакллантириш зарурияти ана шу ишни амалга оширишни тақозо этади.

Чиндан ҳам Ўзбекистон тарихи фани янгиланиш, ўсиш, ривожланиш жараёнини бошдан кечираётган экан, бу фандан ўқилаётган маърузалар, яратилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари вақти-соати билан янгиланиб туриши, янгиликлар ва тарихшунослигимиз эришаётган кейинги ютуқларни ўзларида акс эттириб боришлари лозим. Мазкур қўлланмани тузувчилар уни яратишга жазм этар эканлар, ана шу ҳолни назарда тутганлар. Китоб Ватанимиз тарихининг фавқулодда катта, моҳиятан ғоят муҳим ва бой саҳифасини ёритишга бағишланадики, бу давр қиёфасини ифода этуви мавжуд адабиётларнинг барчаси ҳам тарих фанимизнинг кейинги ютуқларини акс эттириб улгурганича йўқ. Модомики шундай экан, янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, бу ютуқларни акс эттириш, талабаларга етказиш долзарб аҳамият касб этади.

Назорат саволлари

1. Тарих фани бўйича тадқиқотга киришган изланувчилар учун дастлабки вазифалар нималардан иборат?
2. Тарихий таҳлил деганда нимани англайсиз?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият- енгилмас куч” - Тошкент “Маънавият”, 2008
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. - Тошкент «Ўзбекистон», 2011.

3. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” - Тошкент «Ўзбекистон», 2012.
4. Алимова Д.А., Голованов А.А. “Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари”. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000.
5. Гуломов С., Усмонов Қ. “Мустақиллик Ўзбекистонга нима берди”. -Тошкент, ЎАЖБНТ маркази, 2000, 2001.
6. Гуломов С., Салимов О., Усмонов Қ., Ганиев Д. “Ўзбекистон 11 - йил мустақил тараққиёт йўлида”. Ўқув қўлланма. Тошкент, ЎАЖБНТ маркази, 2002.
7. Куддус Аъзам. “Оғир синовлар даври”. – Тошкент, Алишер Навоий номли “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси” нашриёти, 2004.

3-мавзу. Мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамияти

Режа.

1. Она-юрт тарихи – маънавият асоси.
2. Президент И.Каримов тарих фанининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида.

Таянч иборалар: *далилларни таққослаш, далилларни умумлаштириш, тарихий воқеа-ҳодисалар устидан “ўқилаётган ҳукм”, «босмачилик» деган уйдирмалар, «Ўзбек иши», «пахта иши».*

Тарих фани бўйича дарс ўтувчи ўқитувчи учун тарихдаги муаммоларни ўрганиш, воқеа-ҳодисалар ва тарихий хронологияга муносабат, тарихий атамалар, иборалар ва тушунчалар, тарихий шахслар исми шарифи, тарихий асарлар номи ва муаллифлари, тарихий сана ва далилларни келтиришда англашилмовчиликка, хатоликка йўл қўйиш мумкин эмас. Бунинг учун “тарих нонини ейиш”га аҳд қилган тадқиқотчи ҳам ҳар томонлама тайёр-гарлик кўрган, хусусан тарихга оид билимларни эгаллаган, ўзининг мустаҳкам эслаш қобилиятига, тарихий воқеа-ҳодиса, жараёнларни, далилларни таққослаш, таҳлил қилиш ва мавжуд манбаларни ўрганиш ва талқин қилишда кенг қамровли мушоҳадага эга бўлган мутахассис бўлмоғи даркор. Тарих фанида мавжуд муаммолар ечимига “саёз” қараш, манбаларга шунчаки “кўз югуртириш”, “арзон шов-шув”ларга интилиш билан жиддий ва

асосли илмий тадқиқотни амалга ошириб бўлмайди.

Албатта, тарих фанида далиллар муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотчи томонидан мавжуд тарихий далилларни ўрганиш, саралаш ва уларга баҳо бериш, талқин қилиш жараёни шунчаки оддий вазифалардан ҳисобланмайди. Тарихий далиллар турлича, яъни кичик, йирик, аҳамиятга молик, кенг миқёсдаги тарихий жараёнлар ёки алоҳида бир воқеани ёритувчи, хронологик жиҳатдан яқинда ёки узоқ ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани ўз ичига олиши мумкин. Юқорида қайд этилган йўналишлардаги тарихий далиллар қамровини яна давом эттириш мумкин. Аммо шу нарса аниқки, тарих фанидаги далиллар катта–кичиклиги, муҳим, катта ёки кичик аҳамиятга молик эканлиги билан турли тарзда талқин қилиниши мумкин бўлгани ҳолда, барибир чуқур ва синчковлик билан ўрганишни, қиёсий таҳлилни тақозо этади. Тарихий далилларга баҳо бериш, уларни ўрганиш услуби, тизимга солиш маълум даражада илмий тадқиқотчининг билим даражаси, тажрибаси ва машаққатли илмий меҳнатга сарфлайдиган вақтига ҳам боғлиқ бўлади. Илмий тадқиқотларда тарихий далиллардан ишончли ва унумли тарзда фойдаланиш кўникмаси аста-секин, талабаликнинг илк босқичларидан бошлаб, тарихий фанларни ўзлаштириб бориш жараёни натижасида вужудга келади.

Тарих фанида далиллар муҳим аҳамиятга молик эканлигини тасдиқлаган ҳолда қайд этиш мумкинки, тарихчи-тадқиқотчи учун далилларнинг ўзигина этарли эмас. Илмий тадқиқотчининг вазифаси шуки, мавжуд тарихий далилларни чуқур ўрганиши, солиштириши ва уларни илмий талқинлар орқали “жонлантириш”и керак. Тарих фанидаги тарихий далилларнинг ўзи – бу амалда ҳеч нарса эмас. Йиғилган тарихий далилларнинг ўзи ўрганилаётган мавзунини ёритишда, хусусан илмий тадқиқот учун маълум бир пойдевор вазифасини ўтайди. Тарих фанида далилларни ўрганиш илмий тадқиқотда дастлабки поғона бўлиб, кейинги босқич мавжуд далилларни **умумлаштириш** ҳисобланади.

Тарихчи-тадқиқотчининг вазифасига далилларни қалаштириб ташлаш

эмас, балки мавжуд тарихий далилларни назарий жиҳатдан мушоҳада қилиш, умумлаштириш, саралаш, таҳлил қилиш ва улар орасидан энг муҳимларини ажратиб, илмий тадқиқот матнига киритиш ҳисобланади. Илмий тадқиқот орқали тарихий далилларни таъкидлаш билан бирга, воқеа-ҳодисаларнинг қонуний жараёнини, сабаб ва оқибатларини “тарих тарозиси”га солиб, уни ҳолисона, илмий баён этиш керак бўлади.

Тарихий далиллар ва умумлаштириш ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу тарих бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борадиганлар учун муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, тарихий тадқиқотда нафақат далилларга, балки уларни умумлаштиришга ҳам катта эътибор қаратилади. Зеро, илмий тадқиқот маълум даражада аввалдан режалаштирилган илмий хулосаларга олиб келмаслиги керак.

Тарихий тадқиқотга жазм қилган илмий изланувчилар доимо ўз устида ишлаши, тарихий мушоҳадасини ривожлантириб бориши, узлуксиз равишда **ўқиган ва уққанлари** ҳамда йиққан манбалари, тарихий материаллари бўйича ўйлаб юриш одатини шакллантириши, илмий таққослай олиши, умумлаштира ва хулоса чиқара олиш, мавжуд материалларни шунчаки ўрганмасдан, чуқур таҳлил қилиш хусусиятини аста-секин шакллантириш каби ҳислатларни ўзида мужассамлаштириши керак.

Тарихчи бошқа айрим фан мутахассисларидан фарқли ўлароқ, илмий иш устида синовлар ўтказишга, тадқиқот объектини бевосита кузатишга, хусусан ўзи ўрганаётган ўтмишни, воқеа-ҳодисаларни том маънода қайтаришга имконияти йўқ. Чунки содир бўлган тарихий воқеалар ҳеч қачон яна ўша тарзда, айнан ўша жойда қайтарилмайди. Демак, тарихчи ўз тадқиқоти учун содир бўлган воқеа-ҳодисаларни тиклаш, тажриба, синов йўли билан яна қайтариш имкониятига эга эмас. Илмий тадқиқот учун изланувчи материални тарихий манбалардан, ҳужжатлардан, ёдгорликлардан олади. Тарихчи учун материаллар, хусусан ўтмиш материаллари ҳар куни келтирилади ва бу тарихий билимни кундан-кунга кўпайиб боришидан далолат беради. Тадқиқотлар муаммоси доимо кенгайиб, мураккаблашиб бораверади. Илмий

изланишлар орқали янги манбалар, далиллар юзага чиқиб, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш такомиллашиб бормоқда. Бу эса тарих бўйича илмий тадқиқот қиладиганлардан замон руҳи билан қадам-бақадам юришни, воқеа-ҳодисаларни, ижтимоий-сиёсий жараёнларни доимо кузатиб, таққослаб, тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиб боришни тақозо этади. Зеро, ҳеч бир илмий изланувчи тарихдаги барча йўналишлар бўйича тадқиқотга қўл ура олмагани ҳолда, айти пайтда илмий тадқиқотчи ўзигача бўлган илмий изланишлар ва бугунги кундаги олиб борилаётган тадқиқотлар тўғрисида маълум бир тушунчаларга эга бўлиши зарур. Бу эса тарихчини замонавий илмий тадқиқотлар ҳолатидан бохабар қилиш билан бирга, ўзи олиб бораётган тадқиқотларида янги илмий хулосалар чиқаришга ундайди. Тарихчи-тадқиқотчи томонидан воқеа-ҳодисаларга, ўтмишга берилган баҳо, бу амалда ўзига хос тарихий жараёнлар бўйича чиқарилган ҳукм ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарихий воқеа-ҳодисалар устидан “ўқилаётган ҳукм”, яъни манбаларнинг тарихий талқини холисона ёндашишни талаб этади. Бу билан тарихчи маълум даражада тарихий жараёнлар бўйича “ҳакам” вазифасини ҳам ўтайди. Тарихий далилларни умумлаштириш, таҳлил қилиш асосида воқеа-ҳодисаларга нисбатан бериладиган тарихий хулосада тадқиқотчи зиммасига катта масъулият юкланади. Тадқиқотларда адолатли хулосага келиш тарихчининг тарихий манбаларни қай даражада ўрганганига, назарий билимларига бевосита боғлиқ бўлади.

«Тарих хотираси,-деб таъкидлайди И.А.Каримов,-халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутаяди.

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва

ибрат манбаига айланмоқда»¹

Юртбошимиз Ислом Каримов истиқлолимизга ташқаридан, ичкаридан мафкуравий таҳдид солаётган воситалардан бири тарихимизни сохталаштириш, бузиш эканига бир неча бор алоҳида эътибор қаратди. Ҳозирги кундаги мафкуравий таҳдидлардан бири- «бу ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил ғайриилмий талқинлар, сиёсий шиорлар билан бизни тарихимиздан, шарафли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлмоқда. Хориждаги баъзи-бир сиёсий арбоблар ва олимларнинг даъволарига кўра, алоҳида ўзбек деган миллат йўқ эмиш, балки умумий туркий халқ бор эмиш. Шунинг учун ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, бошқирд, татар, уйғур ва ҳоказо тушунчаларга барҳам бериш керак эмиш»². Бундай қарашларга Ислом Каримов муносиб жавоб бериб, ҳар бир халқ каби ўзбек халқининг ҳам тарихи барқарорлигини зўр куч билан таъкидлаб келмоқда.

Мухбирнинг саволига жавоб бераркан, йўлбошчимиз шундай дейди: «Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўхна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Ўзбек миллати Ўзбекхон номидан тарқаган эмас, балки Ўзбекхон ўзбек миллати номини ўзига ном қилиб олган бўлса ажаб эмас»³.

Айни вақтда йўлбошчимиз ўзбекнинг қадим тарихий илдизлари туркий халқлар билан бир экани, бу бирлик тил, дин, урф-одат, қадриятлари ва маданиятида намоён бўлганини эътироф этиб, туркий халқлар билан ҳар

¹ Каримов Ислом. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида. Ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т. «Ўзбекистон» 1997, 140-бет.

² Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Туркистон» газетаси мухбирининг берган саволларига жавоблари. «Туркистон» газетаси, 1999 йил, 2 феврал

³ O'sha joyda

томонлама алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз, деб айтди.

«Лекин,-деб кўрсатади И.А.Каримов,-биз ўзимизни ҳамиша мустақил миллат-ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор. Бугун дунё ҳамжамияти бизнинг буюк тарихимиз ва муваффақиятимизни эътироф этиб, бугунги кунда бизни шу ном билан танийди ва ҳурмат қилади»¹.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Тошкент вилояти кенгашида сўзлаган нутқида ҳам методологик асослардан муҳими бўлиб хизмат қиладиган мана бу фикри ҳам ғоят қимматлидир: «Она юртимиз Туркистонга ёв бостириб келганда ҳам, «босмачилик» деган уйдирмалар чикқан пайтда ҳам, сўнгги йиллар давомида «Ўзбек иши», «пахта иши» деган маломат ва бўҳтонлар авж олган, десантчилар келиб хонадонларимизнинг бошига ёғилган бало-офатларнинг барчасининг сабаби ва илдизини юртимизда адолат мезони бузилганидан кўриш керак. Ўйлайманки, қачонки шу кўз билан тарихимизнинг аламли саҳифаларига тўғри баҳо-изоҳ берсак, кўп нарсани жой-жойига қўйишимиз мумкин. Шундай вазифани авваламбор олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, эл-юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари ўз зиммасига олиши даркор»³.

¹ О'ша joyda

³ Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т. «Ўзбекистон» 1996, 349-бет

4-мавзу. Ижтимоий-гуманитар фанларда инновация тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти

Режа.

1. Инновация тушунчасининг мазмун моҳияти.
2. Инновацияларнинг олий таълим тизимида тутган аҳамияти

Таянч иборалар: Новаторлик ва янгилик, “Рим клуби”, “инновацион таълим” тушунчаси, “Он эдусатионал течнологй”, олий таълим муассасаларида “Инновацион марказ” фаолияти

Хозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш инновацион педагогикани келтириб чиқарди. Инновацион - (инглиз.) - янгиликни киритиш (тарқатиш).

Инновацион педагогика атамаси ва унга хос бўлган тадқиқотлар Ғарбий Европа ва АҚШда (60й) пайдо бўлди. Инновацион фаолият О.Н. Гоноболин, В.А. Сластинин, Н.В. Кузмина, А.И. Щерванов ва бошқалар ишларида тадқиқ этилган.

Янгилик киритишнинг ижтимоий-психологик аспекти америкалик инновациячиси Э. Роджерс томонидан ишлаб чиқилган. У янгилик киритиш жараёни қатнашчиларининг таснифи, уларнинг янгиликка бўлган муносабати ва бошқаларни кўрсатган.

А.И. Григорин инновация деганда, муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга, янги, нисбатан турғун (унсур) элементларини киритиб боровчи мақсадига мувофиқ ўзгаришларни тушунади.

Бу жараёнга икки хил қараш (Григорин, Сазонин, Степанов ва бошқ.) мавжуд.

Биринчи қарашда, ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

Иккинчи ёндашувда, алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирламчи, рақобати ва натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашидир.

Педагогика адабиётларида инновацион жараённинг схемаси

кўрсатилди ва унинг босқичлари қуйидагича:

1. Янги ғоя туғилиши ёки янгиликнинг пайдо бўлиши (кашфиёт босқичи) деб юритилади.

2. Ихтиро қилишлик - янгилик яратиш босқичи;

3. Яратилган янгиликларнинг амалда қўллай билиш босқичи;

4. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи;

5. Муайян соҳада янгиликка ҳукмронлик қилиш босқичи.

Педагогик инновацияда “янги” тушунчаси марказий ҳисобланиб, педагогик фанда - хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади.

Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади. Янгилик - бу восита, янги метод, методика, технология ва бошқ.

“Инновация” - бу таълим; маълум босқичлари бўйича ривожланадиган жараён.

Р. Н. Юсуфбекова педагогик янгиликка ўқитиш ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва қайд этилмаган ҳолат, натижа, ривожланиб боровчи назария ва амалиётга элтувчи ўзгариб турадиган педагогик воқийлик деб қарайди.

Р. Н. Юсуфбекова қарашлари бўйича инновацион жараёнлар қуйидагича:

- Биринчи блок - педагогикадаги янгини ажратиш блоки.
- Иккинчи блок - янгини идрок қилиш, ўзгартириш ва баҳолаш блоки.
- Учинчи блок - янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки.
- Биринчи блокка - педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгини яратиш шарт-шароити, меёрлари, уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, атама ва новаторлик, янгини яратиш босқичлари киради.

Иккинчи блокка - педагогик ҳамжамиятлар, янгини баҳолаш ва уни ўзлаштириш, педагогикадаги новаторлик, инновация муҳити, педагогик

ҳамжа -миятларнинг янгини идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

Учинчи блокка - янгини тадбиқ этиш, фойдаланиш ва кенг жорий этиш қонуниятлари ва турларидан иборат.

М.И. Поташник инновация жараёнининг қуйидаги тузилмасини кўрсатади:

-- фаолият тузилмаси - мотив-мақсад-вазифа-мазмун-шакл-методлар - методик компонентлар йиғиндиси.

-- субъектив тузилма - инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар, ва бошқ.

-- мазмун тузилмаси - ўқув тарбиявий ишлар, бошқарувда янгиликнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқилиши ва ўзлаштирилиши.

-- ташкилий тузилма - диагностик, олдиндан кўра билиш, соф ташкилий, амалий, умумлаштирувчи, тадбиқ этувчи.

Инновация жараёни - таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамраб олган тизимдан иборат.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик инновацияларни кенг қўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Педагогик инновациялар қўламнинг ортиб бориши, мамлакатда модернизация жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо кўплаб педагогик инновацияларнинг яратилаётганига қарамай, таълим жараёнларига ўқитишнинг янги мазмун, шакл, метод ва воситаларини тадбиқ этиш бўйича педагогик тадқиқотларни жорий этиш даражасини ҳозирча етарли деб бўлмади.

Дарҳақиқат, янгиланган таълим тизимини жорий этишда Ўзбекистон тарихи фани ўқитувчисининг ўз фанига ва баркамол авлод таълим-тарбиясига оид янгиликларни мунтазам ўргана бориб, уларни ўз меҳнат фаолиятида изчил қўллаш билиш маҳоратига эга бўлиши бугунги куннинг муҳим талабидир.

Шунингдек, бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича **тарихчи-педагог кадрлар** тайёрлашнинг сифатини кўтаришда талабаларни илм-фан тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бугун фан ва техника соҳасидаги янгиликларни ўқув дастурлари мазмунига тез киритиш талаб этилади ва бу орқали, замонавий билимларни шакллантиришга замин ҳозирланади. Бундан ташқари замонавий ўқитиш технологиялари, улар билан боғлиқ методик ёндашувлар бўлажак ўқитувчиларда зарурий билимлар, муҳим қонуниятлар, кўплаб фундаментал тушунчаларни нисбатан енгил, чуқур ва мустақкам шакллантириш учун қулай шароит яратади.

Олий педагогик таълим муассасалари талабаларида касбий тайёргарликни шакллантириш ва уни ривожлантириш, мазкур жараёнга нисбатан тизимли, комплекс ёндашувни тақозо этади. Бўлажак **тарих ўқитувчисининг** чуқур билимга, самарали фаолият юрита олиш маҳоратига эга бўлиши маълум фан асослари борасида унда етарли назарий ҳамда амалий билимларнинг, таълим жараёнида янгиликлардан унумли фойдаланиш малақасининг қанчалик шаклланганлигига боғлиқдир.

Маълумки, бугун барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интиломоқда. Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим. Ана шундай долзарбликдан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда педагогиканинг мустақил соҳаси – педагогик инноватика жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

“Ўзбекистон тарихи” фани ўқитувчиси новатор бўлиши шарт. Новаторлик ва янгилик – маданият, таълим ва умумийликда жамият ривожланишининг икки жиҳати. Анъаналар ва янгиликларнинг хилма-хил муносабатларига таяниб, маданиятшунослар жамиятни анъанавий ва замонавийга ажратиб кўрсатишади. Анъанавий жамиятда анъана новаторлик

устидан ҳукмронлик қилади. Замонавий жамиятларда эса, новаторлик базали кадрият саналади.

Йигирманчи асрнинг сўнги йилларида жаҳон миқёсида таълим соҳасида юзага келган қуйидаги “инқироз”ли ҳолатлар “қўллаб-қувватловчи” таълимнинг муқобили сифатида “инновацион” таълимни ривожланишининг асосий сабабларидан бири бўлди. Турли давлатларда унинг хилма-хил шаклда намоён бўлишида қуйидаги умумий жиҳатлар ёрқин намоён бўлмоқда:

1) ижтимоий амалиёт ривожланиши эҳтиёжлари ва олий таълим битирувчиларининг реал тайёргарлик даражасининг ўзаро мослигини таъминлаш;

2) олий таълим муассасаларида янги мақсадларнинг қўйилиши ҳамда бошқарувнинг ташкилий тузилиши ва шаклларининг мураккаблашуви;

3) таълим жараёни субъектларининг қизиқиши ва имкониятларининг ортиши.

1979 йилда “Рим клуби” аъзолари “ўзининг асосида аввал маълум, такрорланувчи вазиятларга тузатиш киритиш учун тақдим этилган метод ва қоидаларни ифода этувчи” таълим тизимини “қўллаб-қувватловчи” таълим деб номлашди. Юқорида таъкидлаганимиздек, унинг муқобили сифатида “инновацион таълим” тушунчаси ҳам қўлланила бошланди.

Инновацион таълимнинг асосий мақсади- **“Ўзбекистон тарихи” фани ўқитувчилар**да келажакка масъулият ҳиссини ва ўз-ўзига ишончни шакллантиришдир. Ж.Боткин бошчилигидаги олимлар гуруҳи “Рим клуби” маърузасида инновацион таълимни анъанавий, яъни “норматив” таълимга муқобил сифатида билимларни эгаллашни асосий тури сифатида тавсифлади. Нормативли таълим “такрорланувчи вазиятларда фаолият хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштиришга йўналтирилган” бўлса, инновацион таълим янги вазиятларда биргаликда ҳаракатланиш қобилиятини ривожлантиришни кўзда тутади.

Илм-фан ва ишлаб чиқапишнинг жадал ривожланиши жамиятни иқтисодий тапаққий эттириш билан бир қатопда ижтимоий муносабатлар

мазмунда ҳам туб ўзгаришларнинг пўй беришига замин яратмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳада бўлгани сингари ижтимоий, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам технологик ёндашувни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

“Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир” (*ЮНЕСКО*).

“Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради” (*М.В.Кларин*).

“Педагогик технология – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма ҳисобланади”. (*Г.К. Селевко*).

“Педагогик технология – психологик ва педагогик ўқитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради” (*Б.Т.Лихачев*).

“Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси” (*В.П.Беспалько*).

“Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи” (*И.П. Волков*).

“Технология – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси” (*В.М.Шепель*).

“Педагогик технология – ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланйвчанлигини ҳамда педагогик жапаён баққалоплигини ошириб, бй жапаён иштирокчисининг сйбъектив хйсйсиятларидан йни озод қилади”. (*В.М.Манахов*).

“Педагогик технология - тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шакллари кулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзапо таъсирини инобатга олиб, таълим мақсаддапини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланадиган усул ва методлар мажмуидир”.
(*М.О.Очилов*).

“Педагогик технология бу ўқитивчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқивчилапга таъсир кўпсатиш ва бу фаолият маҳсўли сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни” (*Н.Саидахмедов*).

“Педагогик технология бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда йшбўй мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жапаёнининг мазмўнидир” (*Ў.Қ.Толипов*).

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, педагогик технологиянинг аҳамияти аввал ўзлаштирилган назарий билимлап билан янги ўзлаштириладиган билимлап опасида мўстаҳкам боғланишларнинг юзага келиши билан белгиланади. Мазкур жараёнда **“Ўзбекистон тарихи” фани ўқитувчиси** қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

- *тенг қийматли (эквивалент) амалиёт қоидаси*: таълим олийчилапнинг таълим жапаёнидаги хатти-ҳапакатлапи тест ўтказиш ёки имтиҳон даврида таълим олувчи томонидан ташкил этилиши

- *ўхшаши амалиёт қоидаси*: таълим олувчилар содир этилиши кутилаётган хатти-ҳаракатларини ташкил этиш мажбуриятига эга бўлмай, балки моҳиятан шундай бўлган шароитларда машқ қилиш имконига эга бўладилар;

Таълим амалиётида “педагогик технология” тушунчаси уч даражада қўлланилади:

Умумпедагогик (макро) даража. Мазкур даражага мувофиқ келадиган технологиялар яхлит педагогик жараёнга тегишли бўлиб, таълим тизимининг

барча турларида қўллаш имконини беради.

Хусусий-методик (мезо) даража. Ушбу даража ўзида маълум бир ўқув фани, алоҳида таълим олувчилар гуруҳи, маълум ихтисосликка мансуб педагогларга йўналганликни акс эттиради.

Локал даража (микро). Мазкур даражага тегишли технологиялар ўқув-тарбия жараёнининг алоҳида таркибий қисми, алоҳида шахс сифатларини шакллантириш, махсус ўқув кўникма ва малакаларини таркиб топтиришга хизмат қилади.

Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Бундай долзарб муаммолар сирасига кўйидагиларни киритиш мумкин:

1) олий таълимда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Гарчи республикамизда педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамасдан, мазкур ўқув қўлланмаларда олий таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган интерфаол методлар ва уларни қўллашга доир методик кўрсатмалар аниқ ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат олий таълим профессор-ўқитувчиларининг интерфаол методларни қўллашга доир маълумотлардан тўла хабардор бўлмаслигига олиб келмоқда. Олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнини кузатиш **тарихчи профессор-ўқитувчилар** кенг қўллайдиган интерфаол методлар жуда камчиликни ташкил этишини кўрсатади. Бундай методлар сифатида кластер, Б-Б-Б чизмаси, ақлий ҳужум, “Балиқ скелети” чизмаси, “Қандай? диаграммаси” кабиларни айтиб ўтиш мумкин;

2) профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни қўллашда методик

қоидаларга тўлиқ риоя этишлари лозим. Бошқача айтганда, интерфаол методлар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг ёш хусусиятлари, машғулот шакли, аудиторияда мақбул шарт-шароитнинг мавжудлиги каби жиҳатларни аниқ ҳисобга олган ҳолда қўллаш лозим. Оддий бир мисол: профессор-ўқитувчилар, айниқса, ёш ўқитувчилар деярли ҳар бир машғулотида кластер методини қўллайди. Энг қизиғи, мазкур метод орқали ўқув мақсадига эришиш мумкин ёки мумкин эмаслигидан қатъий назар ундан фойдаланиш ҳолати кўп учрайди. Бундан ташқари, уч-тўрт доирани чизиш орқали тармоқлар ҳосил қилиш ҳам мумкин эмас. Мазкур метод талабаларнинг маълум бир нарса-ҳодиса, жараён ёки тушунчага оид фикрларини умумлаштириш, уларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, кластер методидан ўтилган материални мустаҳкамлаш босқичидагина фойдаланиш мумкин. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, интерфаол методдан ноўрин фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга эмас, аксинчи машғулот сифатини пасайтиришга олиб келади;

3) таълим технологияларини яратиш учун профессор-ўқитувчилар ўқув мақсадларини педагогик вазифаларга айлантириш, уни кутиладиган натижага мос ҳолда аниқлаш кўникмасига эга бўлишлари лозим. Барча машғулотларнинг технологик ишланмаларини яратиш жараёнида идентив ўқув мақсадларини вазифаларга айлантириш учун бир хил феъл туркумидаги сўзлар (маълумот бериш, очиб бериш, ёритиб бериш, изоҳлаш кабилар)дан фойдаланиш ўринли бўлмайди. Бунинг учун профессор-ўқитувчилар Блум таксономиясини амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларига эга бўлишлари талаб этилади. Идентив ўқув мақсадларини ўқув вазифаларига айлантириш кўникмасига эга бўлмасдан туриб, машғулот жараёнини мувафаққиятли лойиҳалашга эришиш мумкин эмас;

4) олий таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш анъанавий ўқитиш тизимининг муқобили сифатида хизмат қилиши лозим. Чунки барча аудитория машғулотларида интерфаол методларни қўллашга

зарурият йўқ. Энг асосийси, технологик ёндашув асосида ўқув машғулотида кутилган натижага эришилиши лозим. Мазкур жараёнда мақсадга эришишга имкон берувчи исталган мақбул методлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг технологик ёндашувни нотўғри талқин этган ҳолда, маъруза машғулотларини талабаларнинг ўзлари томонидан ўтиб берилишини талаб қилишлари ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Маъруза машғулотида нисбатан бундай ёндашув унинг самарадорлигини таъминлашга тўлиқ хизмат қилмайди. Олий таълимда ўқитишнинг асосий шакли сифатида маърузага қўйиладиган методик, шу жумладан маърузачига қўйиладиган талаблар мавжуд. Мазкур талабларнинг тўлиқ бажарилиши **“Ўзбекистон тарихи” фани ўқитувчиси, яъни профессор-ўқитувчи (лектор) орқалигина самарали амалга ошириши мумкин.** Фақат анжуман-маъруза машғулотларини талабаларнинг маърузалари асосида ташкил этиш имконияти мавжуд ва бу соҳада республикамизда катта тажриба тўпланган. Бунда ҳам анжуман-маърузани ташкил этиш ва ўтказиш талабларига риоя қилиниши лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, олий таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида кўйидаги методик вазифаларни мувафаққиятли ҳал этиш лозим:

1) **“Ўзбекистон тарихи” фани ўқитувчиси** ҳисобланган профессор-ўқитувчилар “интерфаол метод”, “стратегия”, “технология” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб олишлари лозим. Мазкур тушунчаларнинг моҳиятини тўғри англай олмаслик уларни қўллашда кўплаб методик қийинчиликларни юзага келтиради. Олий таълимда асосий эътибор ўқитиш жараёнини лойиҳалаш (технологик модел) ва режалаштириш (технологик харита)га, яъни технологизацияга қаратилиши керак;

2) олий таълимда фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишда методик қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилиниши керак. Аниқ методик кўрсатмаларга риоя этиш орқали интерфаол методларни самарали қўллаш имконияти юзага келади. Бу эса таълим сифатининг

ошишига хизмат қилади;

3) педагогика малака ошириш тармоқ марказида “Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модулини ўқитишда асосий эътиборни профессор-ўқитувчиларни ўқитиш жараёнини лойиҳалаш ва режалаштира олиш кўникма ҳамда малакаларини ривожлантиришга қаратиш лозим;

4) фанлар бўйича таълим технологияларини яратишда хилма-хиллик, ижодийлик, инновацион ёндашувларга асосланиш, бир қолипга тушиб қолишдан сақланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жараёнда фанларнинг, машғулот шакллари, мавзуларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ўринли бўлади;

5) олий таълим муассасаларида “Инновацион марказ” фаолиятини йўлга қўйиш, мазкур марказ куч ва имкониятларидан профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш мақсадида фойдаланиш эҳтиёжи мавжуд. Таълимга инновациялар кириб келиши диалектик тавсифга эга бўлгани учун ҳам янгиликларни яратиш, жорий этиш, ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этишга доир вазифаларни мувафаққиятли ҳал этишга хизмат қилувчи инновацион марказ фаолиятини йўлга қўйиш ҳар жиҳатдан самарали бўлади.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда ўқитувчининг информатика ва ахборот технологиялари билим даражаси қандай бўлиши лозим?

2. Мустақил таълимни ташкил этишнинг қандай турларини биласиз? Мустақил таълим олишнинг ўқув-методик таъминоти деганда нимани тушунасиз?.

1. Тарих дарсларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш технологияси.

2. Презентация дарсларини ташкил этишга қандай талаблар қўйилади?

3. Тарих таълими воситаларидан фойдаланишнинг инновацион ёндашуви нима?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. “Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби”. - Тошкент «Ўзбекистон», 1997.

2. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” - Тошкент «Ўзбекистон», 1997.

3. Каримов И.А. “Маънавий юксалиш йўлида” - Тошкент «Ўзбекистон», 1998.

4. Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. // Мулоқот, 1998. 5-сон.

5. Камолдинов М., Б.Вахобжонов. Инновацион педагогик технологиялар асослари, саволлар, жавоблар. – Т.: “Талқин”, 2010.

6. Ишмухамедов Р., А.Абдуқодиров. Тарбияда инновацион технологиялар – Т.: 2010.

7. Ҳамдамов Р., Бегимкулов У. Таълимда ахборот технологиялари. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.

8. Ҳамдамов Р., Бегимкулов У. Электрон ўқув услубий мажмуалар. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.

9. Ҳамдамов Р., Бегимкулов У. Электрон университет: электрон вазирлик, масофавий таълим технологиялари. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.

10. Холиқов А. Педагогик маҳорат. – Т.: Тафаккур-бўстони, 2011.

11. Егамбердиева Н. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш. – Т.: 2011.

5-мавзу. Фан ва таълим уйғунлиги – замонавий тараққиётнинг муҳим омили

Режа.

1. Фан тараққиётига тарихий цивилизацияларнинг таъсири
2. Таълимда глобаллашувнинг ўрни ва роли

Таянч иборалар: тараққиёт, глобаллашув, анъанавий жамият, «табиий» факторлар

Ўзбекистон ўзининг улкан тарихий тараққиёти ва ўзига хос ривожланиш хусусиятига эга бўлган мамлакатдир. У жаҳон цивилизациясига буюк ҳисса қўшган, жаҳон тарихида чуқур из қолдирган давлат ҳисобланади. Ана шуларни назарда тутиб, И.А. Каримов ёзади: «Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл - идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳовуддин Нақшбандий, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтиҳори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум. (И.Каримов, «Ўзбекистон XXI аср бўсағисида... Т.1997. 140 бет.»)

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида иқтисодий, маданий ва ижтимоий жиҳатдан илғор мамлакат ҳисобланади.

Шунингдек, у ўз тараққиёти истиқболлари, имкониятлари жиҳатидан қулай географик - стратегик мавқега эгадир. Ўзбекистон минтақада ҳар томонлама қулай имкониятига эга бўлган истиқболли мамлакатдир.

И.Каримов таъкидлаганидек: «Ўзбекистон минтақавий мезонларга кўра юксак даражадаги урбанизация ва саноатлашувни, шунингдек, илмий-

техник кадрлар билан таъминланганликни турмуш тартибига ва у Шарқ билан Ғарб мулоқотида воситачи, кўплаб цивилизациялар маънавий алоқасининг рамзи ҳам бўлиши мумкин»(И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида- Т.1997.144-бет)

Ўзбекистон ҳозирги даврда жаҳон цивилизацияси сари ривожланиб бормоқда. Бу ривожланишда ўзига хос ва ўзига мос анъаналар, бетакрор ноёб хусусиятларини сақланиб қолмоқда.

Маълумки, энг йирик цивилизациялар Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ҳисобланади. Бу цивилизациялар ўртасида умумийлик ва ўзига хослик мавжуд. Қатор адабиётларда Ўзбекистон жамияти қайси цивилизация асосида тараққий этади деган масала кўйилипти.

Агар Ўзбекистон Ғарб цивилизацияси асосида ривожланса, у ҳолда Ғарб тараққиётига хос барча иқтисодий, шунингдек, ҳаётда мавжуд бўлган зиддиятларни ҳам ўзига сингдиради ва қабул этади.

Ўзбекистон Шарқ цивилизацияси асосида тараққий этса, у ҳолда Шарққа хос бўлган ижтимоий хусусиятларни, давлатнинг жамият барча жабҳаларига раҳбарларининг устунворлигини, анъана, расм-русм, вақтни ўзида мужассамлаштириши керак. Бу эса ривожланиш жараёнини чўзиб юборади, у ёки бу давлатларнинг ривожланиши намунасини нусха сифатида танлашни қийинлаштиради.

Ўзбекистоннинг тарихий қисмати Шарқ тарихининг бир қисми эканлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, жаҳон тарихи, инсоният тарихи яхлит, бир бутун, умумий бирликдан ташкил топган, ўзаро алоқада, ўзаро боғлиқдир. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилашда қуйидаги тамойилларга асосланиши зарур:

1. тарихий ўтиш даври муаммоларини далиллар асосида аниқ идрок этиш, унинг моҳиятини сеза билиш:

2. миллий анъана, миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш ва такомиллаштириш асосида ривожланиш концепциясини яратиш ва унга қатъий амал қилиш:

3. жамиятнинг барча жабҳаларида: иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий жиҳатларни цивилизацияли йўналишга ўтказиш муаммоларини ҳил этиш:

4. халқлар, давлатлар, миллатлар ривожланишидаги ўзаро ўхшашликлар, тафовутлар ва айрим хусусиятларни кунт билан ўрганиш, улардан фойдаланиш, мослаштириш ва бошқалар:

5. шунингдек, жамият ривожланишининг энг муҳим омиллари сифатида географик муҳит ва умуман «табiiй» факторлар ролини аниқлаш:

Давлатнинг ҳудудий жойланиши, дарёлар, тоғ, чўл регионларнинг жойланиши, уларнинг хўжалик тармоқлари, ер усти, табiiй бойликлар, иқлим, инсон салоҳияти ва бошқаларнинг ўрни ва ролини аниқлаш.

Ўзбекистоннинг цивилизацияли ривожланиши жаҳон ҳамжамияти билан бевосита боғлиқдир, аммо бу жараёнда у ўзлиги ва ноёблигини сақлаб қолиши керак.

Инсоният ҳозирги жаҳон ҳамжамиятининг очиқдан-очиқ кўриниб турган хилма-хиллиги ва кўпқирралигини.унинг барча субъектлари ўртасидаги турли тенг ҳуқуқликни ҳам бутун жаҳон цивилизацияси муваффақиятли ривожланишини табiiй ва зарурий шарт сифатида эътироф этишни талаб қилади (И.Каримов «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида...Т.1997 51-52 бет»)

Ғарб цивилизацияси ҳозирги давда ривожланишнинг энг юқори босқичига етди. У жаҳондаги мавжуд цивилизациялар ютуқларини ўзига сингдирди, мазмунан бойиди. Лекин Ғарб цивилизацияси ўз моҳияти, хусусиятлари билан бошқа цивилизациялардан, хусусан, ислом, конфуцизм, япон, ҳинд, буддизм ва православ маданиятидан фарқ қилади.Бу цивилизациялардан Ғарб идеалига хос бўлган индивидуализм, либерализм, конституционализм, инсон ҳуқуқи, эркинлик, тенглик, қонун устуворлиги, демократия, эркин бозор, черковнинг давлатдан ажратилиши сингари тамойиллар ривожланмаган.

Демократик бошқариш усуллари Ғарбда шаклланди ва ривожланди. Ғарбдан бошқа айрим мамлакатларда вужудга келган ижтимоий, демократик

Ўзгаришлар Ғарбнинг тазийиқи, зўрлаши асосида рўй берди. Улар бевосита халқнинг ўзидан, шу мамлакат цивилизациясидан ўсиб чиқмаган, балки ташқаридан киритилган эди.

Цивилизация - ривожланишнинг муайян бир босқичидаги бирон-бир халқ ва мамлакатнинг ижтимоий- иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги сифатий ўзига хослигидир. Айрим тадқиқотчилар цивилизация асосини маданият, халқ, ҳудуд билан боғласалар, бошқалари динни асос қилиб оладилар.

Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий- маърифий ва цивилизацияли таракқиётида дунёвий илмлар билан бир қаторда турли диний таълимотлар ҳам ўзига хос ўрин тутган. «Кўхна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, - деб ёзади И. А. Каримов,- дин ҳар доим одамларнинг ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан ҳалос бўлишга чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда, умумхалққа раҳнамо бўлган. Уни оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват этган, бундай даъват ўз навбатида одамларга куч-қувват бағишлаган; иродасини мустаҳкамлаган, бир-бирига меҳр- оқибатни оширган».

Ҳар бир халқ ўз миллий психологияси, маданияти ва интеллектуал салоҳиятига мос равишда ўз миллий давлатчилигини яратади. Сиёсий ва ҳуқуқий маданият цивилизациянинг муҳим элементи ҳисобланади. Миллий давлатчилик асосларини яратмай туриб, цивилизация яратиб бўлмайди.

Шарқ цивилизациясига хос бўлган қуйидаги муҳим хусусиятларни кўрсатиш мумкин :

1) Шарқдаги барча дунёвий, диний ва фалсафий таълимотлар табиатга эҳтиёткорик билан муносабатда бўлишни, сабр- тоқатлиликни тарғиб этган ;

2) одамлар орасида бағрикенглик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик руҳи кучли бўлган;

3) миллий қадрият ва анъаналар эъзозланган;

4) авлод-аждодларга, катталар, ота-онага ҳурмат билан қарашга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Шарқ цивилизацияси бағрида ривожланди. Унинг цивилизациясига хос белгилар: камбағал ва ожизларга ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, табиатга оқилона муносабат, меҳнатсеварлик, сабр-тоқатлилик, ватанпарварлик, катталарга ҳурмат кабилардир.

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси тараққиётига илм- фан, ахлоқ, дин, санъат, маданият соҳасидаги улкан ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшди.

Миллий мустақиллик йилларида ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон ўз миллий кадриятлари, маънавий мероси ва бой маданиятига таяниб, Ғарб ва Шарқнинг умумбашарий кадриятлари ва тажрибаларини ижодий ўзлаштириб, жаҳон цивилизацияси йўлидан бормоқда.

Ҳозирги замон цивилизацияси ўзига хос хусусиятларга эгадир. Энг муҳими, жаҳон цивилизациясини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантиришдир. Жаҳон цивилизациясини таназзулга олиб келадиган қатор таҳдидларни бартараф этиш, инсонни олий кадрият сифатида эъзозлаш, табиатни авайлаб-асраш, экологик хавфсизликни таъминлаш, оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш, давлатлар, халқлар ўртасидаги низоларни сиёсий йўл билан музокаралар орқали ҳал этиш, турли жиноий уюшмаларга барҳам бериш, халқаро терроризм ва гиёҳвандликка, турли юқумли касалликларга қарши курашиш, кишиларда янги дунёқараш ва сиёсий тафаккурни шакллантириш ҳозирги замон цивилизациясининг муҳим муаммоларидир.

Бундай муаммоларни оқилона ҳал этиш учун турли мамлакат, минтақа халқлари ўртасида умумий ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка бўлган интилиш тобора ортиб бормоқда.

И. А. Каримовнинг қатор асарлари ва нутқларида таъкидланганидек, айрим минтақалардаги можаро ва зиддиятлар ўз вақтида оқилона ҳал этилмаса, жаҳон цивилизацияси ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Турли фалсафий системаларда дунёнинг ижтимоий- маданий тараққиёти мезони турлича талқин этиб келинди. Хусусан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, техник ва технологик ютуқлар, табиий географик омилга ижтимоий-маданий ривожланиш мезони сифатида қараб келинди. Ҳозирги пайтда қатор фалсафий адабиётларда шахс маънавияти ва унинг эркинлик даражаси ижтимоий- маданий тараққиёт мезони сифатида кўрсатиляпти.

Миллий мустақиллик йилларида маданиятимизнинг бундан кейинги ривожланиш истиқболлари учун пухта замин яратилди. Бу, аввало, бой маданий меросимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш имкониятларининг яратилганлигида, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилганлиги ва собитқадамлик билан амалга оширилаётганида, миллий маданиятларнинг раванқ топиши ва бир-бирини бойитиши учун қулай шарт-шароитлар яратилишидир.

Жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ аجدодларимиз меросини кенг тарғиб этишда мамлакатимиз илм-фан ва техника салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлигида, юртимиз ободончилиги йўлида катта тадбирларнинг амалга оширилаётганлигида намоён бўляпти.

Маданият ва цивилизациянинг асосий тамойиллари, қонуният ва хусусиятларини билиш - маънавий камолот манбаидир.

Маданият ва цивилизациянинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан чуқур идрок этиш баркамол инсон шахсини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ёш авлодни юксак маданиятли ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш миллий тараққиётнинг муҳим талаби, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош вазифасидир.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида юксак маданиятли инсонни тарбиялаш, қонунчиликка амал қиладиган, фуқаролик бурчини адо этадиган, фуқаролик жамияти талабларига риоя қиладиган, ҳар қандай

келишмовчилик ва ихтилофларни оқилона ҳал қила оладиган, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган цивилизацияли баркамол шахсни шакллантириш вазифаси турибди.

Шундай қилиб, маданият ва цивилизация бир-бирини тақозо этадиган ходисалардир. Миллий мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳада эришилган ютуқлар мамлакатимизнинг цивилизацияли тараққиёти учун пухта замин яратади.

Ўзбекистон цивилизацияси ва маданияти анча бой ва узоқ ривожланиш тарихига эгадир. У ислом дини, маданияти орқали Шарқ мамлакатлари учун хос бўлган умумий маданият манбаалари билан уйғунлашади. Бу эса ўзбек цивилизациясининг шарқона асосини белгилади. Аммо ўзбек цивилизацияси ўзига хос хусусиятларининг бетакрорлиги, ноёблиги ва миллийлигини сақлаб қолди. Ўзбек цивилизацияси қатор хусусиятлари билан Марказий Осиё давлатлари ва халқлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, яхлит цивилизацияни яратиш имкониятини кучайтирмоқда.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон цивилизациясининг йўналиши ҳамкорлик ва бирликни мустаҳкамлашга, айниқса, Марказий Осиё мамлакатларида маданият, дин ва урф-одатларни ҳисобга олиб интеграциялашув жараёнини амалга ошириш, минтақада цивилизациялараро зиддиятлар кескинлашувининг олдини олишга, маданият ва қадриятларни ўрганиш, авайлаб-асраш, даврга мослаштиришга, мавжуд цивилизациялар ўртасидаги умумий томонларни топиш, цивилизацияларни синтезлаштиришга қаратилгандир.

И.А.Каримов ана шу жараёнлар тўғрисида шундай деб ёзади:

“Марказий Осиё халқларининг интеграцияси бор нарса, бу мавжуд воқелик - ҳудудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодиётнинг асосий ва етакчи тармоқлари муштараклиги объектив зарурият деб ҳисоблаймиз. Бир-бирига чирмашиб кетган умумий теран томирларига эга бўлган халқларимизнинг маданий, тил ва маънавий бирлиги ҳақида-ку гапирмаса ҳам

бўлади”⁴

Глобаллашувнинг илдизлари, аниқроғи, оддий шакллари инсоният тарихида дастлаб турли ижтимоий ҳодисалар қатори ёки бошқача қилиб айтганда, уларнинг бири – *алоҳида ҳодиса* сифатида юзага келган. Кейинчалик бу жараён инсониятнинг тараққиёти - миллатларнинг шаклланиши, жамиятда миллатлараро ҳамда маданиятлараро иқтисодий – ижтимоий ва сиёсий – маданий муносабатларнинг кенгайиб бориши ва ривожланиши натижасида инсоният тарихининг ажралмас ҳамда муҳим қисмига айланган. Шу билан бирга у тобора объективлик ва қонунийлик хусусиятларига эга бўлиб борган.

Глобаллашувнинг алоҳида ҳодиса сифатида юзага чиққан даврни унинг бошланиш даври, деб айтиш мумкин. Бу нуқтаи назардан ушбу жараён табиий ва қонуний хусусиятга эга бўлган мустақил жараёндир. Жамият ва инсон тараққий этган сари глобаллашувнинг суръатлари ҳам тезлашиб борган. Хулоса шуки, жамият тарихининг қадимий босқичида давлатлараро, миллатлараро ва демак, маданиятлараро муносабатларнинг шаклланиши даврида глобаллашув жараёнининг бошланишига асос солинган.

Айтиш керакки, ушбу жараённинг намоён бўлиши жамият тараққиётининг босқичларида турлича бўлиб, у ўзида мазкур тарихий давр босқичининг моҳияти, хусусияти ва тенденцияларини ифода этади. Глобаллашувнинг деярли XIX-XX асргача бўлган даврини айнан глобаллашув босқичи эмас, интеграция босқичи, деб айтилса бизнингча, тўғрироқ бўлади. Бу маънода ушбу интеграция босқичи бугунги глобаллашувнинг асоси, ёки қуйи даражасини ташкил этади. XX асрнинг охирлари ва XXI асрнинг бошларига келиб ушбу жараённинг тенденциялари янада яққол, дадил ва унинг бориш суръатлари тезроқ намоён бўла бошлади.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.- Б.320.

Энди табиий, объектив ва қонуний хусусиятларга эга бўлган глобаллашув унга турли субъектларнинг аралашуви натижасида тобора сунъий, айрим давлатларнинг гегемонликка интилиши билан боғлиқ бўлган ноғуманистик характер касб эта бошлади.

Глобаллашувнинг таъсир доираси кенгайиб борган сари у ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги бир қатор ҳодисаларни ўзига бирлаштирувчи жараёнга айланди. Глобаллашув ҳодисадан жараёнга айланиб бориши давомида тизимий ва қонуний хусусиятларга эга бўлиб борди. У қай даражада турли ҳодисаларни қамраб бориши эвазига унинг тизим сифатидаги моҳияти янада кўпроқ намоён бўла бошлади. Глобаллашув тизимига бирлашган ҳодисаларнинг намоён бўлиши хусусиятлари ҳам турлича бўлиши мумкин. Уларнинг айримлари баъзан етакчи, баъзан пассив ҳолда ўзини ифода этади. Уларнинг фаол намоён этганлари, таъсир кучи кўпроқ бўлганлари кейинроқ (кўп ҳолларда) ҳодисалик хусусиятларини ўзгартириб, мустақил жараёнга айланиб кетишлари ҳам мумкин. Масалан, иқтисодий, сиёсий глобаллашув, ёки кейинроқ маданий глобаллашувни олсак, улар дастлаб глобаллашув жараёнининг элементи сифатида ўзини намоён этган бўлсалар, ҳозирги даврда нафақат глобаллашувнинг элементи ёки шакли, аксинча мустақил жараён сифатида юзага чиқмоқда ва ўзлари ҳам яна бир қанча элементларни қамраб олмоқда.

Глобаллашув жараёнининг келиб чиқиши масаласи бўйича ҳам қарашлар турли-тумандир. Жумладан, Хоназаров Қ.Х глобаллашувнинг тил соҳасига таъсирини тадқиқ қила бориб, бу жараённинг деярли XX асрнинг ўрталаригача кечиши табиий характерда бўлганлиги ва кўпроқ локал ҳамда эпизодик хусусиятга эга бўлганлигини ва ҳозирги кунга келиб эса у жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олаётганлигини таъкидлайди.⁵

О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке, Р.Муртазаева ҳам глобаллашув келиб

⁵ Хоназаров Қ.Х. К проблеме философии языка.-Т.:Узбекистан, 2007.- С.50.

чиқишининг илдизлари қадимий эканлигини таъкидлайдилар: “Қадимий империялар полиэтник давлатлар сифатида глобаллашувнинг биринчи намуналаридир. Уларда турли тилларда сўзлашувчи, ҳар хил ирқ ва маданиятга мансуб бўлган кишилар ёнма-ён қўшни бўлиб яшаганлар... Ахмонийлар минтақаларо дунёвий империяси глобаллашувнинг биринчи намунаси ҳисобланиб, у ўзида қисман учта минтақанинг – Осиё, Африка ва Европа ҳудудларини эгаллаган эди. Ахмонийлар давлати сатрапларга бўлинган эди. Геродотнинг маълумот беришича, Ўрта Осиё вилоятлари Х1, Х11, ХУ сатрапларга кирар эди”⁶.

Уткин А.И. глобаллашувнинг ривожланган даврини Х1Х ва ХХ асрлар, деб ҳисоблайди. Федотова В.Г.нинг фикрича, “глобаллашувнинг биринчи қадамлари Х1Х аср, тарихнинг бутун дунё тарихига айланиши билан боғлиқ эди, аммо Х1Х аср глобализацияси Фарбда юз берган бирламчи модернизация жараёнининг натижаси сифатида амалга ошган”⁷.

Бу соҳада ўзига хос фикрларни айтган тадқиқотчилар М.Уотерс ва Р.Робертсонлардир. М.Уотерс “Глобаллашув” номли монографиясида айтишича, “глобаллашув” тушунчаси тўрт асрдан бери қўлланилаётган “глобаллилик” терминидан келиб чиқади, лекин “глобаллашув” ва “глобализм” тушунчалари ижтимоий фикрга ХХ асрнинг 60-йилларидан бери кириб келди.⁸ Р.Робертсоннинг фикрича эса “глобаллашув” тушунчаси 1980-йилларнинг ўрталаридан қўлланила бошланди, “... у дунёнинг қисилиши

⁶ Ата-Мирзаев О., .Гентшке В., .Муртазаева Р. Меднациональная толерантность в Узбекистане: история и современность.- Т.: Университет, 2004. -С.53.

⁷ Федотова В.Г. Россия, Запад, Восток.//Философские науки. 2002, № 1. 26 -б.

⁸ Подзигун. Глобализация и глобальные проблемы. Философско методологический анализ. Дисс. На соискание доктора филос.наук. М.,2003.- С.72. бўйича келтирилди.

хамда дунё онгининг бир бутун сифатидаги интенсификациясини, конкрет глобал боғлиқлик ва XX аср глобал онгининг бутунлигини ифода эта бошлади”⁹.

Подзигун И.М. глобаллашув жараёнини икки шаклга: табиий ва субъектларнинг аралашуви ҳамда бошқаруви натижасида шаклланаётган глобаллашувга ажратади: “...биринчи, глобаллашувнинг табиий шакли инсон турига хос, глобаллашувнинг сунъий шакли маълум шароитларда дунёда кучлар мувозанати бузилганда ва цивилизациянинг янги йўллари қидирила бошланганда долзарблик касб этади. Тош асридаёқ инсоният бутун планета бўйлаб ўрнашибгина қолмасдан, миграция жараёнлари бошланди, янги тил ва этнослар шаклланди. Бу даврда халқлар ва маданий анъаналар ўртасида савдо алоқалари кенгайди, уларнинг ичида энг йириги Европа, Хитой ва Ҳиндистонни боғлаган Буюк Ипак йўли эди. Маданиятлар ва халқлар ўртасида ўрнатилган алоқалар анъаналарнинг ўзаро бойишига олиб келди, бу нарса алоқадорликка кирган тилда ўз аксини топди. Бу жараённинг илдизларини ёзув, шаҳарлар, цивилизациянинг куртаклари пайдо бўлган неолит давридан топиш мумкин.”¹⁰

Бу соҳада бизнинг фикримиз ҳам қайд этилган қарашга яқин. Инсонлар ўз ҳаётларида бошқалар билан муносабатга интилишлари табиий. Инсоният тарихининг барча даврларида ҳам интеграция жараёнлари мавжуд бўлган. Жамиятнинг тараққиёти билан бирга улар кенгайиб борган. Глобаллашувнинг илдизлари тарихнинг бошланиши даврига бориб тақалади. Глобаллашувнинг эволюциясига тарихда юз берган ҳар қандай йирик воқеалар ва ҳодисалар таъсир кўрсатган. Бундай эволюциянинг суръатлари асрдан-асрга ўтган сари тезлашиб борган. Уни бир неча босқичларга бўлиш мумкин. Бизнингча бу

⁹ Ўша жойда. 72- б.

¹⁰ Подзигун. Глобализация и глобальные проблемы. Философско методологический анализ. Дисс. На соискание доктора филос.наук.М.,2003.- С.72.

жараён куйидагича тарзда намоён бўлади:

- ибтидоий жамоа тузумидан бошлаб йирик миллий ва жаҳон динларининг шаклланиш давригача;
- Ўрта асрлар ва Уйғониш давридан Янги давргача;
- Янги даврдан бошлаб XX асргача;
- XX асрдан бошлаб ҳозирги давргача.

Глобаллашув жараёнига икки жиҳатдан назарий ва амалий жиҳатлардан ёндашув унинг моҳиятини тўлароқ акс эттиришга ёрдам беради. Умумий назарий жиҳатдан олиб қараганда, глобаллашув жамият ижтимоий соҳаларининг интеграциясига асосланган ва прогрессив йўналган тараққиётининг янги босқичи. Лекин амалий жиҳатдан олиб қараганда, глобаллашув барча давлатлар ва мамлакатларнинг ўз ижтимоий тараққиёти йўлида янги йўналишларни, тараққиётнинг прогрессив усулларини топиш йўлидаги ҳаракатидир. Бундай ҳаракатлар инсониятнинг янги моҳиятга эга бўлган тараққиёт шаклларини қидириб топиш йўлидаги табиий интилишини ифода этади.

Биринчи жиҳат – глобаллашувнинг объектив ва қонуний моҳиятга эга бўлиб, интеграция жараёнининг янги босқичи, аниқроғи, давоми сифатида намоён бўлаётганлигини, бу жараённинг чексизлиги ва давомийлигини тақозо этади. Иккинчи жиҳати, табиий глобаллашув билан бирга субъектларнинг фаолияти натижасида (аниқроғи, аралашуви натижасида) қисман сунъийлик хусусиятига эга бўлиб бораётган ва унинг оқибатида айрим давлатлар ва миллатларнинг прогрессив тараққиётига зид келиб бораётган глобаллашувнинг амалга ошаётганлигини ҳам назарда тутаяди. “Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб

яъни иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда”¹¹.

Глобаллашув ижтимоий ҳодисаларнинг бири сифатида юзага келган. Кейинчалик инсоният тараққиёти, жамиятда миллатлараро ҳамда маданиятлараро иқтисодий – ижтимоий ва сиёсий – маданий муносабатларнинг кенгайиши ва ривожланиши натижасида инсоният тарихининг ажралмас, муҳим объектив ва қонуний жараёнларидан бирига айланган. Айтиш керакки, ушбу жараённинг ифодаланиши жамият тараққиётининг турли босқичларида турлича бўлиб, у ўзида маълум тарихий давр босқичининг моҳияти, хусусияти ва тенденцияларини ифода этади.

Глобаллашув жараёнига қўшилган давлат ёки миллат қанчалик тараққий этиб боргани сари у шунчалик миллатлараро ва давлатлараро муносабатларга, демократик ўзгаришларга кириб боради ва тараққиётининг суръатлари янада тезлашади. Ва аксинча, жамият қанчалик демократик йўлдан тараққий этиб боргани сари, у шунчалик глобаллашув жараёнига ҳам чуқурроқ кириб боради, бу жараён доирасидаги ижтимоий муносабатларга ўзининг ихтиёридан қатъий назар қўшилиб боради. Миллатлар ёки давлатлар изоляцияда (ажралган ҳолда, якка) яшай олмаганликлари сабабли доим бошқалар билан ўзаро муносабатларга интиладилар. Ҳеч қайси миллат ёки давлат алоҳида ва ўз қобиғига ўралган ҳолда тараққий этмайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ижтимоий тараққиётнинг ўзи объектив тарзда глобаллашув жараёнининг юзага келишига сабаб бўлади.

Ҳар қандай ўзаро муносабатда томонларнинг иккиси ҳам бир-бирининг

¹¹ Каримов И.Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008. 112-б.

таъсири натижасида ўзгариб бориши диалектик ривожланишнинг шарти. Бу нуқтаи назардан глобаллашув жараёнининг ўзи ҳам таъсир этибгина қолмайди. У мамлакатлар ва миллатлар ижтимоий ҳаётини ўзгартириб бориши билан бирга ўзи ҳам жараён сифатида ўзгариб боради.

Глобаллашувнинг тарқалиши ёки кенгайиб бориши барча ижтимоий маконларда бир хил эмас. Бунга сабаб глобаллашувга нисбатан мамлакатларнинг муносабати турлича эканлигида. Айрим мамлакатлар толерантлиги, очиқлиги сабабли глобаллашувга ҳам очиқ муносабатда бўлгани ҳолда, айрим ёпиқ жамиятлар унга қўшилишни истамайдилар. Яна бошқалари бу жараёнга нисбатан нейтрал йўлни танлаган бўлсалар, баъзилари турли йўллар билан унга қарши чиқишга интиладилар.

Бу жараённинг замондаги чегаралари ва амалга ошиш суръатлари ҳам барча мамлакатлар ва миллатлар учун бир хил эмас. У айрим мамлакатлар ҳаётида тезроқ, айримларида эса секинроқ кечиши мумкин. Масалан Ғарб мамлакатларининг ўзида бу жараён тезроқ борса, анъанавий Шарқ мамлакатларида унинг суръатлари нисбатан секинроқдир. Бу жараённинг зиддиятли томонлари ҳам барча даврларда бир хилда намоён бўлмаган. Давлатимизнинг глобаллашувга муносабати уни тўла қабул қилишдан ҳам ва ундан тўла ҳимояланишдан ҳам иборат бўлмагани ҳолда қуйидаги жиҳатларга асосланиши лозим:

1. Мамлакатимиз ва миллатимиз мақсадлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда глобаллашувнинг ижобий натижаларидан имкон қадар кенгроқ ва унумлироқ фойдаланиш;

2. Глобаллашув жараёнининг мамлакатимиз ва миллатимиз ижтимоий - иқтисодий ҳаётига зид бўлган ҳамда маданий - маънавий ҳаётига таҳдид солувчи салбий оқибатларини аниқлаш ва улардан ҳимояланиш;

3. Глобаллашувнинг салбий оқибатларига қарши альтернатив йўллар ва усулларни излаб топиш;

4. Глобаллашувнинг динамикаси ва тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда унга доим мослашиб бориш, фойдаланиш ва зарур бўлганда унинг

салбий жиҳатларига қарши курашиш;

5.Глобаллашув жараёнидаги асосий йўл миллат менталитети, тарихий маънавий қадриятларини замонавий умуминсоний қадриятлар ва инсон ҳамда жамиятни эркинлаштиришга хизмат қилувчи илғор демократик қадриятлар билан уйғунлаштиришга эришишдан иборат бўлиши лозим.

Қайд этилган жиҳатлар жамиятнинг глобаллашувга бўлган муносабатида прогрессив ва соғлом консерватизм, миллий анъаналар ва қадриятлар, илғор новацияларга асосланган модернизм, ҳамда чекланган прагматизмдан иборат бўлган ёндашувга хизмат қилиши лозим.

Глобаллашув аломатлари қадим замонлардан бери кузатилади. Қадимги ва ўрта асрлар империялари тарих қатларида қолиб қетган бўлса-да, ўша даврлардаги глобаллашув тамонига бўлган силжишлар сақланиб қолди. Бунга бир мисол Ипак йўли бўлса, бошқа мисол сифатида Чингизхон империясида барпо этган почта хизматини кўрсатиш мумкин. Аммо хусусий, тор маънода глобаллашув, деб энг охириги давр юритилади.

Глобализация 19-асрининг 60-йиларидан бошлаб ёнқин намоён бўлди. Бошқа фикрларга кўра глобализация 19-асрнинг охирида бошланиб, ўтган асрнинг охириги чорагида жадаллашди. Глобаллашув трансмамлакат корпорацияларининг тез суръатлар билан кенгайиши ортидан хўжаликларнинг “ўсиш-ё-ўлиш” динамикасини ифода этувчи системик тенденциянинг натижасидир, деган фикр билдирилган. Ўз навбатида бу тенденция трасмамлакат корпорацияларнинг жадал ўсиб бориши билан боғлиқдир. Иқтисодий контекстда глобаллашув товарлар, сармоя, хизматлар ва ишчи кучи оқимини осонлашритиш мақсадида давлатлар чегараларидаги тўсиқларни бартараф қилиш ёки сезиларли даражада пасайтиришни англатади. Тор маънодаги глобаллашув савдо-содиқ, бевосита чет эл инвестициялари, капитал оқими, миграция орқали мамлакатлар хўжалигининг бир интернационал хўжаликка интреграллашувни англатади. Кенг маънодаги глобаллашувга ғоялар, тиллар ва оммабоп маданиятнинг мамлакатлараро алмашинуви ҳамроҳ бўлади.

Ўзбекистон глобаллашув жараёнидан четда қолмади. Ипак йўлининг бир неча маршрути ҳозирги Ўзбекистон еридан ўтган, Самарқанд ва Бухоро Ипак йўлидаги йирик савдо марказлари сифатида жаҳонга танилди. Ҳозирги Ўзбекистон ери халқаро тижорат йўлларининг чорраҳаси сифатида ўз аҳамиятини кеч ўрта асларгача сақлаб келди. Ушбу глобаллашув натижаси ўлароқ Марказий Осиё ерларида маънавий соҳада диний толерантлик, илм-фанга чарқоқлик вужудга келган, ислом диний тафаккури ва грек фалсафаси кириб келган бўлса, хўжаликда ипакчилик ва пахтачилик ривожланди, муайян маҳсулот экспорт қилинди. Салбий оқибатлар ҳам йўқ эмас эди – “миялар сизиб кетишининг” илк кўринишлари, ялпи ички маҳсулотнинг бир қисми марказга тўлов сифатида олиб кетилиши, масалан.

Россия истилоси билан глобаллашув жадаллалашди ва бошқа йўналиш олди. Туркистон ойкуменаси деформацияга учради. Иқтисодда пахтачилик ва ипакчилик кўлами ошган, темир йўллар ва шулар асосида пахтага дастлабки ишлов бериш, механик ишлаб чиқариш пайдо бўлган бўлса, турмуш тарзига европача унсурлар кира бошлади ва кўпайиб борди. Маънавий соҳада таълим тизимини ислоҳ қилиш ғоялари, янги усул мактаблари, драматургия жанри, театр юзага келди. Сиёсий соҳада конституциявий монархия, империя табааларининг миллати, динидан қатъи назар тенгҳуқуқлиги ғоялари муҳокама қилина бошлади. Мустақиллик Ўзбекистон учун ойкуменани кенгайтириб халқаро муносабатларнинг тўлақонли қатнашчисига айланишга имкон яратди, республика БМТга, кўпчилик халқаро шартнома, конвенция, уларга қўшимча протоколлар ва ҳоказоларга аъзо бўлди.

Назорат саволлари

1. Глобаллашув нима?
2. Глобаллашув жараёнининг миллат менталитети таъсири қандай?
3. Глобаллашувнинг ривожланган даврини изоҳланг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. “Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби”. - Тошкент

«Ўзбекистон», 1997.

2.Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” - Тошкент «Ўзбекистон», 1997.

3.Каримов И.А. “Маънавий юксалиш йўлида” - Тошкент «Ўзбекистон», 1998.

4.Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. // Мулоқот, 1998. 5-сон.

5. Камолдинов М., Б.Вахобжонов. Инновацион педагогик технологиялар асослари, саволлар, жавоблар. – Т.: “Талқин”, 2010.

6.Ишмухамедов Р., А.Абдуқодиров. Тарбияда инновацион технологиялар – Т.: 2010.

7.Ҳамдамов Р., Бегимқулов У. Таълимда ахборот технологиялари. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.

8. Ҳамдамов Р., Бегимқулов У. Электрон ўқув услубий мажмуалар. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.

9.Ҳамдамов Р., Бегимқулов У. Электрон университет: электрон вазирлик, масофавий таълим технологиялари. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.

10. Холиқов А. Педагогик маҳорат. – Т.: Тафаккур-бўстони, 2011.

11. Егамбердиева Н. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш. – Т.: 2011.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1-вариант

1. Давлат таълим стандартининг асосий ютуғи нималардан иборат? Қандай мунозаравий жиҳатлари қайд этилмоқда?

2. ДТС, дастур ва дарсликларнинг мувофиқлиги таҳлили.

1. Ўзбекистон тарихи таълим концепцияси деганда нима тушунилади? қайси жиҳатлар назарда тутилади?

2. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда қўлланиладиган педагогик технологияларни барча мавзуларда қўллаш мумкинми? Фикрингиз.

3. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда ўқитувчининг информатика ва ахборот технологиялари билим даражаси қандай бўлиши лозим?

4. Мустақил таълимни ташкил этишнинг қандай турларини биласиз? Мустақил таълим олишнинг ўқув-методик таъминоти.

5. Тарих дарсларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш технологияси.

6. Презентация дарсларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар.

7. Тарих таълими воситаларидан фойдаланишга инновацион ёндашув.

2-вариант

1. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда маъруза ва семинар машғулотларини лойиҳалаштириш.

2. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда ўйинли технологиялардан фойдаланиш.

3. Ўзбекистон тарихи таълимида кейс-стади ехнологиясидан фойдаланиш.

4. Ўзбекистон тарихи дарсларига лойиҳа технологиясини жорий этиш.

5. Ўзбекистон тарихи дарсларига ҳамкорликда ўқитиш технологияларни жорий этиш.

6. Ўзбекистон тарихи х таълимида масофавий таълимни ташкил этиш.

7. Ўзбекистон тарихи х фанини ўқитишда ахборот технологияларини жорий этиш.

8. Ўзбекистон тарихи фанларидан электрон дарсликларни яратиш.

9. Фанлар бўйича электрон ўқув мажмуаларни яратиш.

10. Электрон дарсликлар, интерактив доскалардан фойдаланиш.

ГЛОССАРИЙ

Тарих - 1) Муайян хакикатни ташкил этувчи дунЎ ходисаларининг вақти буйича тадрижийлиги ,шунингдек хроника тарзидаги битта ходисани иккинчисини кетидан вақт мобоинида одатдаги утиши тарзидаги битик ,Тарих уз-узидан якунига етмайди ,у фақат оламнинг халокатга учраши билан охирига етиши мумкин.

2)Инсон утмишини унинг барча аникликлари ва рангбаранглигида урганувчи ижтимоий фанлар мажмуидир.

Контсептсия - Лотинча индаклаш маноси билдириб, 1. Табиат ва жамиятдаги жараен ва ходисаларга нисбатан булган нуқтаи назар тизими. 2. Ислохатлар программалар лойихалар режаларни амалга оширишда ҳаракат стратегиясини белгиловчи етакчи фикр.

Сар - Узбекча «хон» «амир» «бек» маноларини билдиради.

Тузем - Чет эллик маносини билдириб ,махаллий халк болалари учун талим олиш мақсадида тавсия этилган.

Назария - Билимнинг у еки бу соҳасидаги асосий гоялар тизими ;хаЎт конунлари ва ахамиятли муносабатлари хақида яхлид тасаввур берувчи илмий билиш шакли.

Метод - Грекча суз булиб тадқиқот этиш юли ,назарияси ,талимотидир.

Методика - Грекча суз булиб педагогика фанинг соҳаларидан бири булиб малум фанни урганиш қонуниятларини тадқиқ этишдир.

Коллоквиум – лотинча суҳбат, гаплашиш маъноларини билдиради ва ўқувчиларни билимларини текшириш ва мустаҳкамлаш шаклларида бири, ўқитувчини талабалар билан суҳбати, илмий мунозараси, йиўилиш шакли.

Дидактика – юнонча ибратли деган маънони билдиради.

Дидактика таълим мазмунини саралаш муаммоларини ишлаб чиқиб, таълим тамойилларини, таълим усуллари ва воситаларини қўллаш меъЎрларини белгилаб, меъЎрий-амалий, конструктив-техникавий вазифани бажаради.

Иноватсия – англизча сўз бўлиб, янгилик киритиш маъносини билдиради. Таълимдаги иноватсия таълим ва тарбиянинг мақсади, мазмуни, усуллари ва шаклига, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълим усталари ва ўқувчилар биргаликдаги фаолиятини ташкил этишда янгиликни жорий қилиш;

Интернет – лотинч глобал компьютер тармоғи, сиёимли ихтисослашган ахборот серверларига кириш имконини берадиган электрон почта.

Дифференциациялаш – лотинча фарқ маъносини билдириб, ажралиш, қисмларга бўлиниш, яхлитни турли қисмларга қатламланиши, шакллар ва босқичлар.

Инсон омили -1) кенг маънода инсоннинг ижтимоий-тарихий меҳнат фаолияти субъекти сифатидаги аҳамияти ўрни ва таъсири. 2) тор маънода инсонни техник қурилмалар билан алоқасини интеграл тавсифини англатувчи тушунча.

Педагогик технологиялар – олдиндан лоиҳалаштирилган ўқув – тарбия жараёнини мунтазам ва тадрижий тарзда амалга оширишни таъминловчи педагогик тартиблар йиғиндиси.

Стандарт – англизча “маўр, намуна” маъносини билдириб, белгиланган ўқув вақтида ўқув мақсадларини белгиланган диагностик кўрсаткичларига эришишни кафолатловчи фаолият юритиш ва бошқариш.

Узлуксиз таълим – Инсон бутун ҳаёти мабойнида олиши мумкин бўлган таълим. Таълимни ривожланиши тугамаслики назарда тутилган.

Бакалаврият – базавий олий таълим бериш. Ўқиш 4 йил, олий таълим ва таянч мутахассислик дипломи олади.

Магистратура – Аниқ мутахассислик бўйича олий касбий таълим 2 йиллик.

Аспирантура – мутахассислик бўйича олий квалификацияга эга бўлади. Ўқиш 3 йил, танлаган мутахассиси бўйича “фан номзоди” илмий даражасига эга бўлади.

Доктарантура – 3 йил, диссертатсия химоя қилиш билан яқунланади, “фан доктори” илмий даражаси берилади.

Ўқувчи – Муайян вазифаларни бажариши ва муаммоларини ҳал қилишда ўзи ўзлаштирган билим, ўқув ва қобилиятни, ҳаёт тушунчасини ва унга муносабатини мақсадли равишда берувчи шахс.

Интерфаол усул – жамоа бўлиб фикрлаш, яъни педагогис тасир этиш усули.

Ўқувчи – Умумталим мактабига қатнашувчи ўқи бевосита иш жойида касб-ҳунар талими курсини ўтовчи шахс.

Талаба – Олий талим муассасасининг ўқувчиси.

Стратегия – юнонча сўз бўлиб, муайян ишни назарияси ҳамда амали ўти масалаларини қамраб олиш.

Дарснинг тузилиши – дарс компонентларини дидактик асосланган ички алоқаси. Уларнинг тартиблаштирилганлиги ва ўзаро муносабати. Анъанавий дарс тузилиши: сўраш, тушунтириш, ўтилганни мустақкамлаш ва уй вазифаларидан иборат.

Дарслик – дастурда методикада ва дидактик талабларда белгиланган талимни нг мақсад ва вазифаларизга мувофиқ муайян оқув фани бўйича илмий билимлар асоси баён этилган китоб.

Дарс – педагоглар ва ўқувчиларни аниқ мақсадга ўнналтирилган ўзаро муносабатни вақт бўйича чегараланган ташкилий шакли.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури – Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ривожланган демократик давлатлар даражасида уксак манавий ва ахлоқий талабларга жаоб бера оладган юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тузумини яратиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжати.

Ўқитиш услуби – ўз фаолияти жараёнида ўқи ўтганлар фойдаланадиган шакллар усуллар ўсинларнинг индивидуал тузилиши.

Семинар – лотинча сўзадан олинган бўлиб кўчириб ўтказиш маносини билдириб 1) мутахасислар билим ва касбий малакасини ошириш мақсадида

ўтказиладиган ўқув тадбири. 2) **Ўқувчи** – талабаларни мустақил таълим олиши ва ижодий меҳнатга тайёрлаш ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришни кўзловчи таълимни ташкил этувчи шакли.

Семестр – лотинча сўздан олинган бўлиб 6 ойлик деган маънони билдириб якуний аттестатсия билан тугалланувчи ўрта махсус касб – ҳунар ва олия таълим муассасаларидаги ўқув йилининг ярми.

Жамият - мамлакат фуқаролари, аҳолиси тарихи, манфаатлари, эҳтиёжлари, хоҳишлари, эътиқодлари, ҳуқуқ-атворлари, руҳиятига яхлит қараш.

Экология - юнунча турар жой, таълим, тушунча маъноларини билдириб, ўсимлик ва жониворларнинг, улар ҳосил қилган ўзаро ҳамда атроф муҳит билан ташкил қиладиган уйғунлик ҳақидаги фан.

Экологик таълим - Инсоннинг ҳаёт фаолияти сифатидаги атроф-муҳит ҳақидаги, ишлаб чиқариш фаолиятини табиий муҳитга таъсир ҳақидаги билимлар, табиатини муҳофаза қилиш фаолияти бўйича билим ва малакалар тизими.

Экологик тарбия - болаларнинг экологик маълумотлилиги ва тарбияланганлиги, юқори даражадаги ахлоқий – эстетик ҳиссиётларни уйғотиш, табиатни муҳофаза қилишни амалга оширишда юқори даражадаги маънавий шахсий сифатлар ва мустаҳкам иродага эга бўлиш.

Ўқув режа - таълим муассасаларида ва таълимнинг муайян босқичларида ўрганиладиган ўқув фанлари ва курсларининг таркибини ҳамда уларнинг ҳажмини соатларда белгилайдиган ҳужжат.

Тасаввур – амалий фаолият якуний натижаларини олдиндан кўра билишни ўз ичига олувчи образларни яратиш ва муаммоли вазият маъхум бўлган вақтларда ҳуқуқ атвор программаси тузишни таъминловчи руҳий жараён

Марифат – луғавий маъноси бўшлиқ, таниш билимдир.

Маънавият – кишининг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, ахлоқий, диний тасаввурларни йиғиндиси

Маданият – ижтимоий ва манавий ҳаётда қўлга киритилган жамики ютуқлардир. Бу ўқимишлилик таълим тарбия кўрганлик, зиёлиликни билдиради.

Кучли давлатдан кучли жамият сари одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларини нодавлат, тизимлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш оргонларга босқичма босқич ўтиши.

Тараққиётнинг ўзбек модели – Ўзбекистоннинг ўзига хос мустақил тараққиёт ўлини жаҳонда ўзбек модели деб тан олиниб жамиятнинг инқилобий эмас, эволюцион равишда ислоҳ қилишни назарда тутди ва президентимизтомонидан ишлаб чиқилган 5 та тамойилда ўз аксини топади.

Дарслик- Дастурда, методикада ва дидактика талабларида белгиланган таълимнинг мақсад вазифаларига мувофиқ ўқув фани бўйича илмий билимлар асоси бўлган китоб.

Референдум-лотинча сўз бўлиб, янги конституция ва бошқа муҳим қонунлар қабул қилиниши ва ўзгартишлар киритилиши муносабати билан уларни умумхалқ овозига қўйиш маъносини билдиради.

Қадриятларни қадрлаш- Инсоннинг онгида стратегик ҳаётий мақсад ва умумий дунёқараш сифатида тан олинган қадриятларнинг акс этиши. Назарий қадриятлар тизими билан жамият эҳтиёжи ва шахснинг фаолияти ўртасида ўзаро алоқа мавжуд.

Инноватсия дарси- Стандарт бўлмаган, анъанавийликдан холи, мослашувчан, ўзгарувчан тузилмани ва ўқув фаолияти янги шаклни ташкил қилиш ўли билан ўқувчиларнинг таълимга қизиқишларини оширишга қаратилган машғулот.

Инноватсия-модернизатсия- Таълимга янги Ўндашиш-унинг анъанавий репродуктив Ўнналганлиги доирасида натижаларга эришишни кафолатлашга Ўнналтирилган ўқув жараўнини модернизатсиялашни асосий турларидан бири.

Модернизатсиялаш- франсузча энг янги маънони билдириб, объектни такомиллаштириш, яхшилаш, уни янги талаб ва меъўрларга, техник шартларга сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

Фуқаролик – шахсий сифат , инсон ўзи яшаўтган жамиятга таълуқли эканлигини чуқур англашда намаўн бўлади , шунингдек , ўз ҳуқуқ ва жамиятга нисбатан мажбуриятларни , ундаги ахлоқ ва қонун меўрларига амал қилиши борасида ихтиўрий таўр эканлиги яқол кўриниди . Яни жамият фаровонлиги ҳақида қаўъуради , фуқаролик бурчи ўоясидаги факир ва хусусиятлар мажмуи .

Ҳуқуқий тарбия - Ўқувчиларда фуқаролик туўъусини , давлати учун фахир хиссини , белгиланган қонунларга хурмати , уларни бузиш умумни эмаслигини шакилантириш , ҳуқуқий демакратик жамиятда инсон ҳати ҳаракатини рамзи болиб, униг ахлоқ ва ҳуқуқ меўрларини фаол ва онгли бажаради .

Ирода- инсонинг ўз ўини бошқаришини қобилияти ташқи ва ички тосқинликлар , таъир ва даватларга қарамасдан, ўз ҳулқ атвори ҳати ҳаракатини бажариш .

Иймон - арабча сўз бўлиб луўавий маъноси ишончдир .

Етиқод – ўз факир ва қарашларига маҳкам , собит қадамлик ишониши ва ўзгаларни ҳам ўзидек ҳисоблаб, уларнинг лавзига ишонишдир

ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР

Дидактик материалларга тингловчининг мустақил ва ижодий ишлаш ҳамда фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли, қизиқарли саволлар, ижодий топшириқлар, лойиҳалар, ўйинлар, крассовордлар каби материаллар киради. Шунингдек ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган таркатма материаллар, карточкалар, саволномалар, йуриқномалар, амалий ишни ташкил этиш буйича технологик хариталар ва ҳ.к. киради.

Дидактик топшириқлар ва материалларни ишлаб чиқишда куйидагиларга эътибор беришлари керак:

- Муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш;
- Тадқиқотлар олиб боришга йўналтириш;
- Турли вазиятлар ва ҳолатлар таҳлилига қаратиш;
- Тажрибаларва машқлар ўтказишга мулжаллаш;
- Янгиликларни излаш ва топишга йўналтириш.